



Яқинда вақтли матбуот саноатларида Ўзбекистон жумҳурияти Президенти сайлови тўғрисидаги Қонун лойиҳаси эълон қилинди. Қуйида шу борада ўзимнинг таклиф ҳамда мулоҳазаларимни рўзномамиз мухлислари билан ўртоқлашмоқчиман.

Аввало шунини таъкидлаш керакки, бу муҳим ҳужжат лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига ташланиши жумҳуриятимизда ҳақиқий демократия улғайиб бораётганидан далолатдир.

Иккинчи томондан қараганда, бу Ўзбекистонимизнинг келгусидаги истиқболига йўл очиш, шароит яратиш учун қилинаётган ҳаракатнинг ўзгинасидир.

Президентнинг беш йиллик муддатга сайланиши, бир фуқароннинг ўзи икки муддатдан ортиқ бу лавозимда ишлаши мумкин эмаслиги лойиҳада ниҳоятда оқилона тарзда белгиланган.

Аммо унинг ёши 35 дан кам ва 65 дан юқори бўлмаслиги кераклиги билан келиша олмайман. Фикримча, майли унинг ёши 35 дан кам бўлмасин. Чунки кўп ҳолларда одам 35 ёшгача ўзининг иқтидорини тўла намоён эта олмаслиги мумкин. Аммо Президентликка номзоднинг «ёши 65 дан юқори бўлмаслиги керак» деб чеклаб қўйиш унча тўғри эмас. Негакки ҳаёт синовларидан ўтган фуқаро 65, ҳатто 70

ёшдан кейин ҳам бошқаларга нисбатан жамиятга кўпроқ фойда келтириши мумкин. Шунинг учун лойиҳадаги ўша жумлани «Ўзбекистон Республикаси Президентини қилиб ёши 35 дан кам бўлмаган, ушбу Қонунга мувофиқ сайланиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросигина сайланиши мумкин» деб таҳрир этилишини таклиф қиламан.

Қолаверса, 1-моддага яна бир қатор фикрлар қўшил-

етишиб чиқаётган қобилиятли ватандошларимиз оёғига болта уришга ҳаракат қилишди, ўзбекнинг номига қора чап-лашга интилишди, дўппи тор келиб қолганда эса секингина жуфтаниш ростлаб қолишди. Ахир тарихнинг ҳали унутилмаган сабоқларидан аини пайтда хулоса чиқаришимиз керакда!

Яна бир фикр бор. ССЖИ халқ депутатлигига, кейинроқ жумҳурият халқ депутатлигига сайловлар

либ кўтариб чиқиш етти уҳлаб тушларига ҳам кирмайди.

Президент сайлови пайтида ана шу нарсаларга эҳтиёт бўлиш керак. Матбуотда, радио ва телевидениеда уларни тарғиб қилиш ҳам меъёрга бўлиши, Қонун лойиҳасида бу нарсаларга олиниши шарт.

Охириги таклифим лойиҳанинг 27-моддаси бўйича. Шу моддада кўрсатилишича, «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод сайловга қадар исталган вақтда Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилиш орқали ўз номзодини қайтариб олиши мумкин».

Назаримда, бу ҳам нотўғри. Ахир Президент оз эмас, кўп эмас — беш йил муддатга сайланади. Бутун жумҳурият халқининг беш йиллик тараққиётини, дард-ташвишини, оғир-енгилсини Президент зиммасига олиши керак. Шу боис, бу лавозимга номзод бир сўзли, ўзига ишонган фуқаро бўлиши шарт. Унга нисбатан белгиланган «имконият», яъни «сайловгача номзодини қайтариб олиш» ғоят кулгили.

Лойиҳанинг бошқа томонларига ҳеч қандай эътирозим йўқ.

Раҳмонали ҚОСИМОВ,
милиция катта лейтенанти.

ҲАММАСИ ЯХШИ, АММО...

са, мақсадга мувофиқ бўларди.

Яқинда ўз ишини тугаллаган жумҳурият халқ депутатлари сессияда бу борада тортишувлар бўлди. Айрим депутатлар Президентликка номзод ўзбек бўлиши керак деган, айримлар эса камида 10 йил Ўзбекистонда яшаган бўлиши шарт деган мулоҳазаларни билдиришди.

Ана шу мулоҳазаларга мен ҳам тўла қўшиламан. Чунки марказдан келтирилган чет кишилар юқори лавозимларни эгаллаб, бир неча йиллар давомида халқимиз учун бирор тийинлик фойда келтирмаганлиги сир эмаску! Қайтанга, элимиз орасидан

пайтида радио ва телевидение, рўзномалар орқали номзодларни ташвиқот қилишга зўр берилди. Ҳатто иқтисодий жиҳатдан бақувват корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўз меҳнат жамоаси маблағи ҳисобига бу борада «чавандоз»лик қилишди. Қунда-қунора уларнинг ҳаракат дастурлари эълон этилаверди. Шулар натижасида аксарияти депутатлик мандатини қўлга киритишди.

Амалда нима бўлди? Халқ алданди. Ўша депутатларнинг баъзиларини шахсан танийман. Анжуманларда миқ этмай ўтираверишади. Сайловчилар дардини байроқ қи-

ТАКЛИФИМ

Мен оддий журналистман. Шу йили қўлимга «Постда» рўзномаси тушиб қолди. Берилиб ўқидим. Онламиндагилар ҳам уни ижобий қабул қилишди.

Афсуски обуна бўлолмаганим туфайли дўконлардан олиб ўқиб бордим. Унда босилаётган мақолалар, кўтарилаётган масалалар бизга ҳар томонлама маъқул тушмоқда.

Бу сафар келгуси йил учун обуна бўлдим. Мен янаги йили шу рўзномани ўқиб борарканман, бир неча таклифларимни сизларга ҳавола этмоқчиман.

Биринчидан, рўзноманинг номини ўзгартирсангизлар. «Назоратчи», «Изқувар», «Посбон» деб аташ мумкиндир.

Иккинчидан, ички ишлар ходимлари ҳаётига онд саргузашт-мақолалар, ҳикоя, қиссалар бериб борсангизлар.

Болта КАМОЛОВ.
Қашқадарё вилояти, Жетисай тумани.

ШАҒҚАТНИНГ КЕРАГИ ЙЎҚ

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Мен «Постда»нинг деярли ҳар бир сонини ўқиб бораман. Шу йилнинг 16 июль сонидида «Илғари ҳам судланган» номли мақолага кўзим тушди. Ҳақиқатан ҳам аввал судланганлар яна қора курсига ўтирганларида уларга шафқат қилмаслик керак. Йўқса, озодликка чиққач, ўрганган кўнгиллари яна ўртаниб қолса борми?..

ҚАДАМ,
Урганч шаҳри.



Пискент тумани ИИБ жиноят қидирув бўлимида ходимлари зиммасига ғоят масъулиятли вазифа юклатилган. Қунни тунга улаб, тиним билмай жиноятчи-унсурларни фойда этиш учун бор билим ва маҳоратларини ишга солиб келмоқдалар.

СУРАТДА: (чапдан) туман оператив ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари милиция катта лейтенанти Эркин Иномов ва эксперт-криминалист милиция кичик сержанти Шухратбек Исломбековлар иш устида.

Ҳабибулла ШОДИЕВ
олган сурат.

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОН

Муқаддам икки марта судланган, аммо яна жиноятга қўл урганлиги учун қидирилаётган А. Жўраевнинг Самарқанддан сафарга отлангани ҳақида хабар олинди.

Каттақўрғон шаҳар ИИБ ЖҚБ вакили милиция капитани З. Мавлонов жиноятчи кетидан йўлга чиқди. Келишувга биноан Қарши шаҳрида «меҳмон»ни муносиб кутиб олиш учун А. Сандов, В. Утепов, З. Мавлонов раҳбарлигида гуруҳ тузилди.

Жиноятчи қуролланган.

Шу боис ишқон борича уни овлоқроқ жойда қўлга тушириш лозим эди. Шундай қўлай фурсат бўлди ҳам.

Қидирувда юрган А. Жўраев тинитиб қўрилганда, унинг ёнидан 2 та ёт паспорт, омонат дафтарчаси, ноаниқ суюқлик тўлдирилган шприд, наркотик модда, пичоқ, Германияда ишланган қўздан ёш оқизувчи газ баллони, минг сўмдан ортиқ пул чиқди.

И. САМАНДАРОВ,
ички хизмат капитани.

АВТОБУСДАГИ ЁНҒИН

1 октябрь куни кеч соат 7 дан 2 дақиқа ўтганда Наманган вилояти ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлими марказий алоқа пунктига Ленин комсомоли номидаги ўйингоҳдан бир ярим километр нарида ЛАЗ-695 белгилли 68-78 НАГ рақамли автобус ёнаётганлиги ҳақида хабар келди. Ушбу ўт ўчириш қисми воқеа жойига етиб борди, аини пайтда пункт диспетчери Л. Коваленко «Тез ёрдам»ни ҳам огоҳ этди.

Ўт ўчирувчилар етиб борганларида, бутун бошли автобус олов ичида қолганди. Соат 7 дан 20 минут ўтганда «тилсиз ёв» бартараф этилди.

Маълум бўлишича, «Намангантранс» бирлашмасининг 11 автокорхонасига қарашли бу автобус «Навбаҳор» ва «Қубан» командалари ўртасида футбол мусобақаси ўтказилаётган ўйингоҳга борган. Ўйин тугагандан кейин унга 60 нафар йўловчилар чиқишган. Орадан 5 дақиқа ўтгач, ёнғин бошланган. Йўловчилар очик эшиклардан ташқарига чиқарила бошланган, лекин «сарик дев»нинг тобора қўтуриб бораётгани туфайли улар талвасага тушишган. Бу эса фожиага олиб келган. Икки киши ҳалок бўлган, беш киши оғир аҳволда шаҳар табиҳонасининг реанимация бўлимига ётқизилган, 33 киши эса иккинчи ва учинчи даражали куйганларни даволаш шифохонасига жойлаштирилган.

Уша кунини, яъни содир этилган воқеа ҳақида хабар олиниши билан жумҳурият ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи ички хизмат полковниги А. Ёқубов раҳбарлигидаги оперативтергов гуруҳи Наманганга учиб кетди.

Диққат-этибор билан ўтказилган текширишлар давомида автобусдаги ёнғинга қуйидагилар сабаб бўлганлиги аниқланди: ҳайдовчи кабинаси ортидаги биринчи ўриндиқ остида 20 литрли идишда бензин бўлган. Уша идишда тешик пайдо бўлиши оқибатида ёнилғи оқа бошлаган. Йўловчилар бензиннинг кучли ва ёқимсиз ҳидини сезиб, безовталанишган. Шу маҳалда уларнинг қайси бири чекишни тохлаб қолди — буни тергов аниқлайди.

Шундай қилиб, ёқиб ташланган гугурт чўпидан ёнғин чиққан.

Кўпгина автобус ҳайдовчилари қаттиқ таъқиқланган бўлишига қарамай, салонларда бензин билан тўлдирилган идишларни олиб юришади. Бундай бефарқлик шундай кўнгилсизликларга олиб келиши мумкинлиги сир эмаску! Наҳотки, аччиқ сабоқдан хулоса чиқаришмасан?

Тергов натижалари бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Н. ЛОБАНОВ,
жумҳурият ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси бўлими бошлиғи ички хизмат подполковниги.

Довюррак ва чаққонлар кўриги



Утган якшанба кунин пойтахтда «Динамо» бутуниттифоқ физкультура ва спорт жамиятининг амалий ўт ўчириш спорт бўйича чемпионатида якуни ясалди. Бунда иштирокчилар ўзларининг довлар ва чаққон эканларини намойиш этишди.

Бир неча босқичларда мусобақанинг шартларига асосан ўт ўчирувчилар беллашиб, голиблик учун курашдилар.

Ўзбекистонлик ўт ўчирувчи Александр Пешеходко рекорд натижага эришди. Россиялик «зангори олов» жилакорлари Игорь Юрчук ва белоруссиялик Виталий Парменов 100 метрли масофага забт этиш навлони билан югуриб, юксак кўрсаткични қўлга киритди.

100 метрли тўсиқли майдондан чолиб ўтишда россиялик Александр Рогозин рекорд натижани кўрсатди. Унинг вақти 15,96 секундни ташкил этди. 100 метрли масофага югуришда ва минорага кўтарилишда Санкт-Петербурглик Вячеслав Тарасов ҳам яхши натижани қўлга киритди. У 29,69 секунд ичида бу масофани босиб ўтди.

«Тилсиз ёв» билан курашда ҳам бу йигитлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Жумҳурият ички ишлар вазирилик қўшиқдаги ўт ўчирувчилар командаларининг чемпионати барчада яхши таассурот қолдирди.

Ҳабибулла ШОДИЕВ,
«Постда»нинг махсус мухбири.

Суратларда: мусобақада навлалар.

Суратларини муаллиф олган.

Милиция сержанти Алижон Бойтемиров эндигина йигирма олти ёшни қаршилади. Бир қарашда бошқалардан фарқ қилмайдиган оддий йигит. Милицияга ишга кирганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Лекин ана шу оз муддат—олти йил ичида ўзи ишлаётган ИИБ раҳбарияти томонидан бир неча марта пул мукофотлари, фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Унинг кундалик сарташвиш хизматидан кўплар ўрнат олса арзийди.

МИЛИЦИЯ СЕРЖАНТИ

РЕСТОРАНДА

Тунги соат ўнлар чамаси. Ресторан ходимларидан бири Алижон ва у билан бирга хизмат вазифасини ўтаётган милиция катта сержанти Бахтиёр Омарқуловга пиво барида тўполон бўлаётганлигини айтиб қолди. Икковлон айтилган жойга етиб келишди. Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит. Ошхона томонга ўтиб, ошпазлардан суриштиришди. Улар омбор томонда аёл кишининг чинқирганини айтишди. Бироқ омбор йўлагида ҳам сокинлик. Шу пайт Алижоннинг кўзи ерда ётган икки дона зиракка тушди. Зиракда қон излари. Ерда ҳам... Қон томчилари ертўла эшигига борган. Ичкарида сув иситиш қувурлари жойлашган экан. Қувур бўйлаб бемалол юрса бўлади. Милиционерлар олдинма-кейин эллик қадамча ичкари киришди. Шу лаҳзада сувнинг шапиллаган товуши ва яна аёл кишининг ихраган овози эшитилди. Улар қадамларини тезлатгандилар, шалоп этиб сувга ботишди. Олдигиналарида эса қандайдир бир йигит (афтидан маст бўлса керак) аёл устида қабихлик қилар, шундоққина боши устида милиционерлар турганига ҳам парво қилмай пишиқарди.

Алижон йигитнинг ёқасидан ушлаб, даст кўтарди. Икки қўлини орқага қайириб, тепага олиб чиқди.

Аёлнинг юз-кўзларига қараб бўлмасди. Лаблари шишиб кетган. Икки қўлидан қон томчилари (зирақдан тортганда йиртилган шекилли). Бахтиёр уни таянч пунктига олиб кетди.

Наҳс босган безори Алижоннинг қўлидан юлқиниб қочишга уринди. Илоҳи йўқ. Чўнтагидан бели синмаган бир даста пул чиқариб, сержантга узатди.

— Ма, командир, шуни ҳаммаси сеники, фақат илтимос, қўйиб юбор мени, — деди хунук мўлтираб.

— Чўнтагинга солиб қўй унингни. Қани, олдимга туш.

Бу орада Бахтиёр ҳам келиб қолди. Уحوлашиб ИИБга йўл олишди.

Бу сафар Алижон билан бирга бўлишма командири милиция катта сержанти Исмоил Умаров, милиционер Султон Бўрибековлар Зарафшон ресторани атрофида хизмат қилишгаётган эди. Рация тилга кириб қолди: «Отчопарда номалум шахс милтиқ ўқидан ҳалок бўлди. Қотил корейс миллатига мансуб...».

— Эҳе, — деди милиционерлардан бири, — узоқда экан, бу ёққа келмаса керак. Орадан уч-тўрт соат ўтди.

— Қаранглар, — деб қолди бир пайт бўлишма командири. — Келаётган одамда мени шубҳам бор.

Йигитлар қарашса, ростдан ҳам бир киши худди совуқ қотган одамдек ўзини қучоқлаганча хил энгашиб келаяпти.

Ходимлар уч жойга яширинишди. Йўловчи яқинлашгач, Исмоил Умаров унга пешвоз чиқди. Бунини кутмаган йўловчи сесканиб, ўзини орқага ташлади. Кўраги тортлиди шекилли, эндидаги курткасининг занжири «шир» ечилиб, қўйиндаги... милтигининг нили кўриниб қолди. И. Умаров яшини тезлигида милтиққа ёпишди. Орқадан етиб келган Алижон йўловчинини маҳкам қучоқлади. Султон Бўрибеков ҳам ёрдам-

ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР

га етиб келди. Командир милтиқни тортиб олди-да, рация орқали машина чақира бошлади.

Йигит анчагина абжир, қаратнинг ҳадисини олган экан, милиционерларни ўн-ўн беш қадамча жойга судраб борди. Фақат ўн-ўн беш қадамгача. Қолганига (ИИБга) милиционерлар уни «судрашди».

Қотил қидирувдаги алоҳида хавфли рецидивист, 1967 йилда туғилган Ли Хан экан.

Яна бир воқеанинг бошланиши қуйидагича бўлган. Балид бўйли, йўғондан келган, забардаст, ҳарбий формадаги киши ичавериб, хурмачасини тошириб юборибди чоғи, алжираб ресторанда тўполон кўтарибди. Кўпчилик унинг вазоҳатидан ҳайиқиб, яқинлашиб ҳам ботиниша олишмабди.

Прапорщик (ҳалиги ҳарбий кишининг унвони шунақа экан) ресторан ташқарисига чиққанидан сўнг ҳам атрофига «мухлислар» йиғиб, роса «томоша» кўрсатибди. Милиция сержанти Мухитдин Ашуров яқинлашган экан, бир мушт уриб қалқитиб юборибди. Милиционерни урган одамга ким ҳам юрак бетлаб яқинлашарди, дейсиз.

Воқеанинг ана шу жойида Алижон келиб қолди. Прапорщикка яқин борганди, у дарҳол боксчилардек қўлларини юзига олиб борди.

— Яқинлашма, эзиб ташлайман!

— Кўрамиз, ким кимни эзаркин.

Алижон сўзини тугатар-туғатмас ҳарбий «мана сенга» дея мушт отиб қолди. Алижон зўрға чап беришга улгурди. Яна мушт учди. Аранг эгилиб қолди. Сержант қарасаки, кучи етмайди. Фақат эпчиллик билан роса чарчатаганина енгизиш мумкин. Қўлагини ечиб, фуражкани устига қўйди.

Ҳарбий яна «хужум»га ўтди. А. Бойтемиров кетма-кет зарбаларга чап берар, ўзини аранг ҳимоя қилиб қоларди. Кўча тўла томошабин. Ҳарбий ҳезлана-ҳезлана роса ҳолдан тойди. Бунини сезган Алижон бир зарба билан уни қулатди. Терак қулагандай бўлди гўё.

Шу пайт нарироқда ёнидаги қиз билан музқаймоқ ялашиб турган ўрис йигити келди-да: — Сержант, уришга нима ҳаққинг бор? Исми шарифини айт, ёзиб олай, — деди.

— Э, тур йўқол-е, — дея қўполлик билан жавоб берди сержант.

Комендатурадан келишиб, прапорщикни олиб кетишди. Аммо Алижон Бойтемиров учун бу ғалла ҳали тугамаган экан. Ҳалиги ўрис йигити номидан ИИБга арзнома келибди. Шу асосда уни ишдан бўшатадиган бўлишди. Фақат воқеадан яхши хабардор бўлган ресторан ходимларининг кўрсатмаларидан сўнггина Алижон «ҳайфсан» билан кутилди.

ВАГОНДА

— Уртоқ сержант, бир безори қўлидаги пичоқ билан ҳаммани безовта қилаяпти, — деди Алижонга мурожаат қилган аёл поезд вагонлари томон ишора қилар экан.

Милиционер бориб қарасаки, аёл ҳақ. Безори қўлидаги пичоқ билан ҳеч кимни ва-

гонга яқинлаштирмапти. Проводник вагонига киролмай ҳалак.

Бир ўзи ҳеч иш чиқара олмаётган милиционер Алижонга:

— Эҳтиёт бўлинг, қуроли бор, — деб қўйди.

— Ҳечқиси йўқ. Қурол менда ҳам бор, — деди Алижон қўлидаги резина таёққа ишора қилиб ва безори томон юрди.

— Улгинг келдимиз? — бақирди тўполончи пичоқини кўтариб.

Сержант уни алдади. Ёлғондакам ҳамла қилганди, безори қўлини тўсиб чап берди. Кейинги зарба уни йикитди.

Воқеани кузатиб турганлар енгил нафас олишиб, вагон остонасидан ҳатлашди...

ҚАҲВАХОНАДА

Кейинги вақтларда қаҳвахонанинг пастки қавати ичувчилар маконига айланиб қолганди. Кунда, кунора жанжал, муштлашув. Ҳатто милиционерни ҳам калтаклашибди.

— Энди шу қаҳвахонада тартиб ўрнатасиз, — деди взвод командири Алижонга.

— Хўп бўлади. Фақат ёрдамчи берсангиз бўлди.

— Ҳозирча ўзингиз борасиз. Кейинроқ албатта шерик топиб жўнатамиз.

Қаҳвахонага кириб бўлмасди. Ғала-ғовур, бақир-чақир. Тутунга шунчалик тўлиб кетганки, чекмайдиганларнинг кўнгли айнимасдан қолмайди.

Алижон бемалол спиртли ичимлик сипқораётган, бурқситиб сигарета чекаётганларнинг столига резина таёғи билан чунонам урдик, тарсиллаган товушдан ширакайф ўтирган «хўрандалар»нинг барчаси милиционерга ўғирилишди.

— Бу ерда спиртли ичимлик ичиш, чекиш мумкин эмаслигини наҳотки билмай-сизлар? — деди сержант ва арокни тўкиб юборди.

— Ҳе, мент, ҳали сен ақл ўргатгани келдингми?

Алижон ялт этиб овоз келган томонга қаради.

Ғапирган йигит яна алжиради:

— Анави кунги ментнинг кунини сенга ҳам кўрсатиб қўйишга тўғри келади шекилли.

У шундай дея яқинлашиб сержантга қўл кўтарди. Алижон дубинка билан бир урганди, гўп этиб қулади.

Эртаси кун у яна қаҳвахонага кирди.

— Ҳей йигит, бу ёққа кел, — деб чақирди ўтирганлардан бири.

Алижон шу қаҳвахонага тез-тез ташриф буюрадиган боксчи ҳақида эшитган эди. Ҳойнаҳой ўша бўлса керак, деб ўйлади. Совуққонлик билан жавоб берди:

— Керак бўлсам, ўзинг кел олдимга.

— Уҳў, — дея йигит ўридан туриб келди. — Қани, айтчи, сержант, намунча ўзининг кўрсатиб қолдинг? Кел, ташлашамиз.

— Ташлашасан ташлашаварамиз-да.

— Келишдик. Қани бошла.

— Йўқ, ўзинг бошла.

— Мен кейин. Аввал сен ур, — деди йигит масҳаромуз жилмайиб.

Алижон бир мушт урган эди, «боксчи» учиб бориб стол тагидан жой олди. Сенингина тортиб олишиб қарашса, ҳушидан айрилибди. Шерикларни қўлтиқлаб олиб кетишди.

Шу-шу Алижон кўпчиликка танилиб, ҳурмати ошди. Ходимлар ҳам хурсанд. Чунки қаҳвахонада тартиб изга тушганди...

Мўйдин СУФИ.

савол... акс-садо... танкид... фикр - мулоҳаза... хабар...

№
6

700029. Тошкент. Г. Лопатин кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон жумҳурияти ИИВ.

«ПОСТА»

Хатжисилларни оғганда

Янгилик... миннатдорчилик... шикоят... тақлиф...

ИЗНИ ЯШИРОЛМАДИ

23 август. Кун бўйи борлиққа нур сочган қуёш уфққа бош қўйган, тун пардаси эндигина ёйилаётган пайтда Марғилон томондан бир енгил машина келар, унинг чамбараниги бошқарётган ҳайдовчи эса иш кунини тугатиб, хуш кайфият билан уйига, оила аъзолари олдиға ошқайтганди.

Бошқа бир йўлдан 12 ёшли бола ҳам велосипедни елдек ҳайдаб борар экан, қалби болалик завқ-шавқи билан тўла, эртанги куннинг ҳам ғуборсиз ўтишига ишончи комил эди. Бир неча дақиқадан сўнг уни фожиа кутиб турганини, ҳаётининг сўнгги даamlарини кечираётганини, бу йўлдан бошқа юрмаслигини, ота-онаси қалбини ғам-ғуссага тўқдириб, ҳаёт билан видолашишни билмас эди.

Бир йўлдан ажал, иккинчи йўлдан унинг қурбони бир-бирига яқинлаша бошлади. Соат миллари йигирмадан ўтганда, Марғилон—Фарғона йўлининг биринчи чақиримида, У. Юсупов номи давлат хўжалигининг 2-бўлими ҳудудда ҳар иккаласи юзма-юз келди. Ажал боланинг ўн гулидан бир гули очилмаганига ҳам қарамай, юрагига чанг солди.

Тўсатдан йўлга чиқиб қолган велосипедчи, Марғилон бекатидаги Улянов кўчасининг 32-уйида яшаётган 5-синф ўқувчиси Икромжон Эргашевнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлган автомобиль ҳайдовчиси воқеа содир бўлган жойдан ҳиёнаткорона қочди. Фақатгина пачоқланган велосипед, боланинг ҳали совиб улгурмаган жасади ва автомобиль чирогининг синган парчаларигина қолди.

Хабар келиши биланоқ Фарғона тумани ички ишлар бўлими ва давлат автомобиль назоряти бўлини-

си ходимлари оёққа турдилар. ИҚБ ходими милиция лейтенанти Аҳтамжон Аминжонов, терговчи милиция капитани Ваҳобжон Дадабоев ва йўл назорати катта инспектори милиция катта лейтенанти Иброҳимжон Дехқонбевлардан иборат опергурӯҳ олдида биргина, лекин қийин вазифа турар эди. Қийинлиги шунда эдики, уларнинг қўлида фақат автомобиль чирогини шишаси парчалари ва шу парчалардаги гравюра усулида ёзилган баъзи рақамлар бор эди, холос.

Ўз ишининг мутахассиси учун шу шиша парчалари ва улардаги рақамлар ҳам етарли экан. Хўжжатлардан шундай рақамли автомобилни қаердан қидириш лозимлигини аниқлашиб, гуруҳ аъзолари Марғилон шаҳрининг янги Фарғона кўчасидаги уйлارда яшовчиларнинг автомобилларини кўздан кечиришни бошладилар. Аммо кутилмаганда қидирувни тўхтатиш ҳақида буйруқ олишди.

Маълум бўлишича, Марғилон шаҳар ИИБ давлат автомобиль назоряти бўлини-сига ёши ўттизлардан ўтган, рус миллатига мансуб бир йигит кириб келиб:

— Болани мен уриб юборганман. Илтимос, айтинглр, қидиришни тўхтатишсин, — деган экан.

Кейинги текширувда ҳақиқатан ҳам 138-уйнинг 15-хонадонада яшовчи, Марғилон автомобиль ремонт заводи устаси Валерий Сергеевич Бирюков гаражидан чирогини синган «ВАЗ-21063» белгили, «Л 55-41 ФЕ» рақамли автомобиль турар, бу рақамлар шиша синиғидаги рақамлар билан бир хил эди...

Тергов давом этяпти. Ёқубжон МАҲМУДОВ, Фарғона тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция капитани.

Гулистон шаҳри ҳудудда жойлашган «ХРСУ»да ишловчи Олег Васильевич Карабаш йигирма бир баҳорни қаршилаб, ўзининг ўтган умри давомида бирон гал ҳам қора курси «мазасини тотиб кўрмаган» йигитлардан эди. Лекин, афсуски, ўтган йилнинг 15 декабрида қиттак отиб олиб, сўнг қилган қинғир қилмиши уни тўғри қора курсига элтиди.

Воқеанинг аслида қай тарзда рўй берганлиги муштарийларимизни қизиқтириши табиий. Уша кун «шайтон суви» Оленинг қалбига «жасорат» бағишлагач, у қора ниятини амалга оширмоқчи бўлди. Шаҳар саноат моллари савдоси идорасига қарашли Калинин кўчасида жойлашган 7-дўконга кираркан, тўғри эркаклар бўлимига йўналди. Бў-

МУҒОМБИР ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

Тулқидек айёрлик инсонга ётдир. Майда-чақа бўлиш уят, исноддир. Аристофан.

лимдаги кийиб кўриш хонасига ҳар бирининг давлат баҳоси 115 сўм бўлган курткаларнинг бир йўла иккитасини олиб киргач, бирини кийиб олди. Сўнг никоблаш учун унинг устидан яна боляги эски курткасини кияркан, шошмай ташқарига чиқди. Бориб ик-

кинчисини жойига илиб қўйди. Анчадан буён бу бесаранжом йигитнинг шубҳали ҳаракатларини кузатиб турган сотувчи аёл Равза Мамарова ноилж уни дўкон мудирининг хонасига «тақлиф этишга» ва ўзи милицияга қўнғироқ қилишга мажбур бўлди. Ниҳоят, қилмиши ошкор бўлган Олег минг бор тавалло қилмасин, милиция ходимлари унинг қўлидан тутиб, ташқарида кутиб турган машинага ўтқаздилар...

Кўп ўтмай Гулистон шаҳар халқ суди ҳайъати жиноятчи устидан ўз ҳукмини чиқарди. Йўл қўйган биргина қора иши учун Олег Карабаш давлат ҳисобига 500 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Х. МАҲКАМОВ.



Соли Қурбонов Дўстлик шаҳри ИИБда паспорт бўлини-сига бошлиғи, Бектурди Раматов эса Урганч шаҳри ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида милиционер бўлиб ишлашарди.

Улар 1985 йили Тошкент давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиётига сиртдан хўжжат топширишганди. Яқинда ҳамкасбларга олий маълумотли ҳуқуқшу-

нос дипломи берилди.

Милиция капитани С. Қурбонов ўзи хизмат қилаётган бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция кичик лейтенанти Б. Раматов эса Қўшқўпир тумани ИИБ участка вакили этиб тайинланди.

СУРАТДА: ҳамкасблар бир-бирларини диплом билан қутламоқдалар.

Сураткаш Саъдулла БОБОВЕВ.

РЎЗНОМАДА

БОСИЛМАДИ, АММО...

Муҳарририятимизга фуқаро Ф. Уринбоев мактуб йўллаб, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани марказий автобекатида авж олган чайқовчилик ҳақида хабар қилганди. Биз бу хатни текшириш ва чора кўриш учун туман ИИБга жўнатгандик.

Ушбу мактубда кўрсатилган фактлар бўйича Оққўрғон тумани ИИБдан қўйидаги ишларни амалга оширилгани ҳақида хабар олдик.

Чунончи, автобекатда сигареталар билан чайқовчилик қилаётган Х. Саидова милиция ходимлари томонидан ушланиб, тўпланган хўжжатлар туман халқ судига юборилган.

Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги ҳудудда жойлашган дўкон сотувчиси Б. Очиловага нисбатан чора кўрилган. Шу ҳудуддаги бошқа дўконлар текширилганда спиртли ичимликлар ва сигареталар йўқлиги маълум бўлган.

ОБУНА ЯКУНЛАНДИ

Қува тумани ИИБ ходимлари «Поста» рўзномасига обунани якунладилар. 1992 йили бўлимининг ҳамма ходимлари уни ўқиб бориш инқонига эга бўлдилар. Идора шахсий таркиби ташаббусини қўллаб-қувватлаган соқилик бўлини-сига ходимларининг 215 нафари ҳам янаги йилда ички ишларда бўлаётган янгиликлар, воқеа-ҳодисалардан рўзнома орқали огоҳ бўлишади.

Раҳимжон РАҲИМОВ.

ОРГАНИЗМ ТАЛАБ ҚИЛАРМИШ

Хурматли таҳририят!

Чоп этилаётган мақолаларнинг, хабарларнинг ниҳоятда ўлантирарли, мулоҳазали эканлиги, ўқиган одамни бефарқ қолдирмаслиги рўзноманинг мавқеини оширади, албатта.

Шу йилнинг 17 сентябрь сонида Дилмурод Саидовнинг «Қачонгача фоҳишаларни эъзозлаймиз?» номли мақоласини ҳамфикрлик, ҳамдардлик билан ўқиб чиқдим. Кўтарилган масаланинг қанчалик муҳимлиги ҳақида гапириш, менимча, ортиқча.

Анча вақтдан бери мени ҳам бу муаммо оддий бир фуқаро сифатида ташвишга

солиб келади. Бу гуноҳга ботгурлар қилаётган ишларнинг чеки-чегараси бормикан, деб қийналардим. Депутатликка сайлангач, ҳаракат дастуримнинг мазмуни ҳам шу ҳақда бўлди — «Ўзгаларнинг оиласини бузувчиларга қарши курашиш». Мақтаниш эмас, лекин айтиб ўтишни ҳам жоиз деб билдим. Фоҳишанинг қармоғига илинган бир кишини оиласи бағрига қайтардим. Албатта бу денгиздан томчи. Бундайлар битта ёки иккита эмаску.

Бир вақтлар юқориқоқ лавозимда ишлайдиганлар-

нинг жилақурса битта «жонон»и бўлганлиги сир эдимми? Менимча, йўқ. Шу мавзуда жумҳуриятимиз рўзномаларидан бирига ёзган эдим. Муҳарририят хатни раҳбарларга қайтарибди. Шу-шу «ёзувчи»ман.

Турмуш ўртоғининг, фарзандларининг юзларини ерга қаратаётган бундай инсонларга қарши кучли, аёвсиз Қонун керак. Токи «балиқ бошидан чиримасин», юзикароларнинг турмуш ўртоқлари шармисорликка чидай олмай, ўз-ўзини ёқишмасин, «ака»лари тақдим этган совғаларни кўз-кўз қилиб юрган бузуқиларнинг «фа-

лончи акам» дейдиган тилларни кесилсин.

Бундан уч-тўрт йил илгари жумҳуриятимизда хотин-қизларнинг йиғилиши бўлганди. Бизнинг тумандан борган вакилдан фоҳишаларга қарши чора кўриш ҳақида гапирмадингизми, деб сўраганимда: у: «Мен эмас, бошқалар гапиришди, уларга организм шуни талаб қилади, деб жавоб беришди», — деди. Ана сизга жавоб!

Фарзандларини ўғай ота қўлида қийнамай, деб бутун умр тул ўтган оналар — аёлларнинг организми бошқачамикан?

Фароғат САТТОРОВА, Арнасой туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси.

«СОТУВЧИ»ЛАР СОТОЛМАДИ

Куппа-кундуз кўзини лўқчи-либ давлат дўконидеги молларнинг устига қўшимча нарх қўйиб сотишлар, жамоатчиликнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Халқимизда текин тешиб чиқади, деган гап бор. Харидорлар ҳақидан уриб қолаётганлар жазоланмасдан қолмаяпти, албатта.

Яқинда туман халқ суди шундай ебтўймаслардан иккитасининг ишини кўриб чиқиб, қилмишига яраша жазо белгиледи.

Ш. Дўсбоев деган «шоовоз»

шу йилнинг 9 июнь кунини соат ўн бирларда туман умумий овқатланиш корхонасига қарашли «Правда» номли давлат хўжалиги ҳудудда жойлашган «Пахтаобода» ресторанидаги буфетда сотувчи бўлиб ишлайдиган акаси олдиға меҳмонга келади. Салом-алиқдан сўнг акаси туман марказидаги умумий овқатланиш идорасига бориб келишини, буфетни су-пуриб-тозалаб қўйишини айта-

ди. Шомирза эса нафақат су-пуриб-сидиришда, балки савдода ҳам ўзини синиб кўрмоқчи бўлди. Афсуски, омади юришмади. Жасорат билан тўрт шиша «Жасорат»ни 9 сўм 12 тишин «соф фойда»си билан пуллаётганда қўлга тушди.

А. Усмонов эса сигарета сотиб бой бўлмоқчи бўлди. Бундай олиб қарганда, сигаретанинг ўзи нима-ю, унинг фойдаси нима бўларди, дейиш

мумкин. Аслида эса ундай эмас экан. Анорбой 30 кути «Опал» сигаретасини сотиб, 28 сўм 50 тишини чўнтагига урмоқчи эди, бўлмади. БХСС ходимлари халақит беришди.

Пешонаси деворга теккан бу сотувчилар ўз қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб олади, деган умиддамиз. Лекин бириникитаси жазолангани билан барча савдо ходимлари инсофга келиб қоладими? Бу са-

волга ҳеч ким «Ҳа» деб жавоб қилмасе керак. Ҳозир ҳамма жойда ҳам савдода бўлаётган қинғир ишлардан ноили гапиришади. Албатта бу оҳ-воҳлар билан ҳам тартиб ўрнатиб бўлмайди. Бунинг учун қинғирликларга қарши ҳамма бирдай курашмоғи лозим.

Ф. МАЛИКОВ,

Ильич тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция капитани.

Х. АЛИМБОВЕВ, Туман халқ судининг ижрокиси.

ТАЙЁРИГА АЙЁРЛИК

Милиция сержанти Бахриддин Маҳмудов катта участка вакилининг ёрдамчиси. Бозорнинг ёнгинасида жойлашган таянч пунктида бугун бир ўзи. Тушдан сўнг бир аёл чопқиллаб хонага кирди.

— Ўртоқ милиционер! Пиво-барда бир йигитни пичоқлашди.

— Пичоқ урган кишини кўрсангиз танийсизми?

— Ҳа, танийман.

— Ёши, миллати, бўй-бас-ти, кийими қандай?

— Миллати рус. Ёши 50-55 лар атрофида, баланд бўйли, жагаранг костюм, қора шим кийган.

— Сиз шу ерда турунг. Агар ушлаб келтирсак, қотил ўша бўлса, бизга имо қиласиз.

— Марҳамат. Албатта кутаман.

Б. Маҳмудов икки нафар дружинани олиб пиво-бари томонга кетди.

Аёл чизиб берганга ўхшаш бир киши гандираклаганча бинодан узоқлашарди.

— Бир минутга тўхтасангиз. Исм-шарифингиз? Яшаш жойингиз?

— Сени нима ишинг бор? Йўқол!

— Ҳаракатларингиз билан жамоат тартибни бузасиз. Сизни таянч пунктига олиб боришга мажбурмиз.

У ҳеч қандай қаршиликсиз милиция ходимлари орақасидан юрди.

Аёл уни таниди. Б. Маҳмудов пиво-бар ходимлари, гувоҳлардан тушунтириш хатлари олди. Жиноятчи ариққа улоқтирган пичоқни ҳам толди.

Шу орада катта участка вакили кириб келди. Воқеадан хабар тошча:

— Сен шу ерда қолавер. Хужжатларни ва жиноятчини мен ўзим топшираман, — деб жўнаб кетди.

Эртаси унинг командири С. Гайсин сержантдан воқеа тафсилотини сўрай бошлади. Кейин:

— Гапнинг қисқаси, ўша жиноят очилишида катта участка вакили, бўлим навбатчиси, штаб бошлигининг номлари қайд этилгану сен йўқ. Шунга ҳайрон бўлиб олдингга келувдим. Хизмат-

дан сўнг бўлимда кутаман, бошлиққа кирамиз, — деди. Ишдан сўнг Бахриддин командири хузурига йўл олди. С. Гайсин унга баъзи йўриқларни бериб, бўлим бошлиғига учрашиши лозимлигини яна таъкидлади. Сўнг Бахриддин бошлиқ қабулига кирди.

— Ўртоқ майор, хизмат юзасидан мурожаат этишга рухсат берсангиз.

— Рухсат.

— Ноқулай бўлсада, айтишга мажбурман. Чунки мендан ҳам ҳисобот сўрайдиган командирим бор. Қолаверса, давлат менга бекорга маош тўламайди-ку.

— Тушунтириброқ гапиринг, нима бўлган?

Сержант кечаги воқеани сўзлаб берди. Бошлиқ диққат билан эшитгач, қақирқ тугмасини босди. Дақиқа ўтмай штаб бошлиғи кирди.

— Кечаги пичоқ билан боғлиқ жиноятни ким очди?

— Катта участка вакили, бўлим навбатчиси ва мен.

— Жиноят содир бўлганида қаерда эдингиз?

— Шу ерда, ишхонамда.

— Хонагизда бўлган экансиз, жиноятни қандай қилиб очганингиз ҳақида батафсил гапиринг-чи. Ахир сиз бевосита иштирок этгансизку?

Аммо у ер чизиб қолди.

— Сержант Маҳмудов, сиз бир неча минутга ташқарига чиқиб турунг.

Бироздан кейин бошлиқ яна Бахриддинни қабулига таклиф этди.

— Сиз хафа бўлманг.

Бундан кейин ҳам шундай ҳалол хизмат қилаверинг. Сўнгра штаб бошлиғига юзланди:

— Қандай қилиб бўлмасин, кечаги маълумотнинг нотўғри эканлигини кўрсатиб, қайта тайёрланг. Жиноятни ким очганлиги аниқ кўрсатилиши шарт. Бу ҳақда шахсан менга баённома топширасиз.

Оддий милиционерликдан майор унвонигача кўтарилган Саид Гайсин ўз тажрибасидан келиб чиқиб, оддий милиционернинг жонига оро кирди. Тайёрига айёрлик қилувчиларнинг ҳийласини фох этди.

Холмуҳаммад МУЙДИНОВ, милиция старшинаси.



Содир этилган жиноятни исботлаб, айбдорнинг бўйнига қўйиш ҳам терговчидан алоҳида маҳорат талаб этади. Акс ҳолда жиноят очилмаслиги, калаванинг учи топилмай, янада чигаллашиб кетиши мумкин. Сирдарё шаҳар ИИБ терговчиси милиция майори Тошпўлат Ҳайдаров шундай маҳоратли ходимлардан ҳисобланади.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

САВДОДАГИ ҒАВҒОЛАР

Қора курсида эндигина йигирма баҳорни қаршилаган Наталья Шельякова. Ҳали турмуш қуриб улгурмаган. У ўзи ишлаётган Гулистон шаҳридаги 30-дўконни жўмай даромад манбаи ҳисоблаб, анча-мунча пулни ишлатиб юборган.

Ишлаётганига уч ой бўлишга қарамай ўз хизматига ўта совуққон, беҳафсала ёндашган.

У 12 минг 446 сўм камомадга йўл қўйганлиги аниқланди.

Суд ҳайъати уни икки йил озодликдан, уч йилгача савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этди.

Судда гувоҳлик берган дўкон мудир А. Назаровнинг айтишича, Наталья кўп ҳолларда ишга чиқмас, бўлимни холи ташлаб, қаерларгадир қўйиб бўлар, ишга жуда эътиборсиз бўлган.

Хўш, шундай экан, нега унинг жилови бўш қўйилди. Ахир давлат мулки халқники эмасми?

Ҳ. МАҲМУДОВ.

БЕШ СЎМ АРЗОНИГА

Тасодифан йўлдан чиққан Николайни кўрган Қодир қувониб кетди.

— Оғайни телевизор олмайсанми!

— Оламан, қанча сўрайсан!

— 800 сўм.

— Мен ҳозир бурчакдаги омонат кассасига кириб пулни олиб чиқаман. Шошмай тур.

Аммо Николайга телевизорли бўлиш насиб этмади. У пулни олиб келганида на телевизор, на ҳолатбарор бор эди.

Бу вақтда Қодир ва унинг ҳамтовоқлари Олмалик шаҳар ИИБда тергов қилинаётганини Николай билмади.

...Лев қаҳвахонада овқатланарди. Ёнига Қодир билан Комил яқинлашди. Биргаликда пиво ичишди. Левнинг пули тамом бўлди. Ҳозиргина ортирган улфатлари олдида мулзам бўлган Лев шу яқин-орада опасининг уйи бўлиб, ҳозир унда ижарачилар яшаётганини, уйни «тозалаш» имкони борлигини айтди. Таклиф ёқиб, Қодир ва Комиллар ўринларидан кўзгалдилар.

Эшикни бузиб ичкарига киришди. Деворда осилиқ турган гилам ва полга тўшалган палоснинг орасига куртка, оёқ кийимини солиб юмалатишди. Пастда пойлоқчилик қилаётган Левнинг олдига қўйиб, телевизорни ўмаргани яна орқага қайтишди. Улар ойнаижаҳонни туширганларида, Лев такси ёлашга улгурганди.

Гиламга дарров харидор топилди. Телевизорга келганида... милиция ходимлари савдога чек қўйишди.

Одамларга ҳам ҳайронсанда. Беш сўм арзон қилсангиз, ўғирлик молми-бошқами — суритишмай олаверишади.

Бироқ буюмлар жабрланувчига қайтариб берилса, «шунча пулни тўлаб, ҳеч нарсасиз қолавераманми, ҳеч бўлмаса пулни ундириб беринг», деб дод солишади.

Қани эди шундай Қонун бўлсаю, текми молни арзонгаровга сотиб олиб, ўғирини раббатлантираётган ҳам қаттиқ жазоланса.

Турсуной МИНАВВАР қизи.

МЕҲМОНГА КЕЛГАН УКА

Халил Кузанёров Арна-сойга акасиникига меҳмонга келди. Акаси Авзал бу ерда экскаваторчи бўлиб ишлайди. Билишгандек, худди шу кунни маош ҳам бериб қолди. Авзал укасини етаклаб, тумандаги ягона ресторанинг буфетига олиб борди. У ердан оз-оздан ароқ «уриб» олишди. Албатта бу томоққа юқ ҳам бўлгани йўқ. Қолаверса, шундай меҳмоннинг ҳурмати ҳам эмасда. Унинг иззатини жойига қўйиш учун эса маош олиб, сахий бўлиб кетган ака ўн(1) шиша «Чашма» виноси сотиб олди. Ака-ука узун-қисқа бўлиб Саша Зубарев яшайдиган кўчма уй-вагончага келишди. У ерда Вячеслав Исулов учаласи роса ичишди.

Ўша кунни қандайдир «яширинча байрам» бўлган шеклилли. Чунки ака-ука ва Саша учаласи илиқ гаплар айтиб, «Чашма»ни сипқоришайётганда, бошқа бир вагончада Хўрозов, Исоқ ва яна икки киши бўлиб байрам қилишайётган эди. Соат ўн бирларга яқин иккала томондагиларнинг ҳам «қатиқлари ачиб» қолди. Хўрозов ва Исоқ иккаласи ташқарига — тоза ҳавога чиқишди. Меҳмонлар эса кетди. Сашанинг вагончасида чироқ ҳали ҳам ёниқлигини кўриб, ичкарига киришди. У ерда, билганимиздек, «меҳмон кутиш» авжида эди. Озроқ туриб Исоқ ўз вагон-уйига кетди. Дам олмоқчи эди.

Орадан 15-20 минутлар ўтиб, кўзига эндигина уйқу илашган эди ҳамки, Хўрозовнинг қичқиригидан уйғониб кетди.

— Мени ўлдиришди! — деб додлаётган эди у тунни бошига кўтариб.

Исоқ шоша-пиша кийиниб ташқарига чиқди. Сашанинг вағони олдида Хўрозов ва Халиллар туришарди. Халилнинг қўлида пичоқ. Уни тартибга чақирмоқчи эди, ошириб сўкиш эшитди. Бу ҳам етмаганидай, Халил гишт билан бошига бир-икки тушириб, қўлидаги пичоқни икки марта кўкрагига суқиб олди. Маълум бўлишича, у Хўрозовни ҳам пичоқлаган экан.

Шундай қилиб, ичкиликнинг оқибати бу сафар ҳам яхшиликка олиб келмади. Суд-тиббидиёт кўриги Д. Хўрозов енгил, И. Қорабоев эса оғир тан жароҳати олган, деган хулосага келди. Шунга асосланиб Халил Кузанёров беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. У хизматни қаттиқ режимдаги ахлоқ тузатиш колониясида ўтайди.

А. МУҲАММАДИЕВ.

ОДАМИЙЛИККА ХОСМИ?

Леонид Козуб бошидан кечирганларининг тарихи узун. Илк марта 1965 йили қамалган. Ўшанда 22 ёшда эди. Кейин эса чархпалак айланиб кетаверди. 1981, 1984, 1988 йилларда ҳам судланиб, ўтириб чиқди. Охирги марта 1988 йили озодликка чиққач, Олмалик шаҳрида фуқаро В. Жданова билан қонунсиз яшай бошлади.

Аммо ўртадаги 2 нафар гўдак ҳам унинг юрагини босган чиркин ҳислар туманини тарқата олмади. Ўша йилнинг июнида Валентинанинг елкасига пичоқ урди. Август ойда ўнг билагини тиг билан яралади. 1989 йилнинг октябрь ойда ўнг қўл бармоғини тишлаб олди. 1990 йили октябрда бўйинга темир билан қўйиб қолди. Шу йилнинг март ойда бошига болтанинг дастаги тушди. Апрель ойда эса болта билан дўппослади.

Бу ҳўрлик ва таҳқирлашларга чндай олмаган Валентина ИИБга арз қилди. Бировга тан жазоси бериб хузуруладиган, одабийлик қиёфасини йўқотган Л. Козуб Ўзбекистон жумҳурияти ЖМнинг 93-моддаси 3-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

М. ИБРОҲИМОВА.



Бугунги тақчиллик дэврида чайқовчилар сони кун сайин ошиб бораётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Уларда ҳамма нарса топилади. Мана бу суратда кўриб турганингиз бир кийимлик материалдан олиш учун оддий меҳнаткаш қанчалар тер тўкиши лозим.

Икки ишлар бўлими ходимлари чайқовчиликнинг олдини олиш борасида анча ишларни амалга оширмоқдалар.

СУРАТДА: Бўна тумани ИИБ БХСС бўлимчиси катта оператив вакили милиция капитани Анавар Собиров (чапда), оператив вакил милиция лейтенанти Расулани Йўлдошев билан чайқовчилардан мусодара қилинган буюмларни кўздан кечирмоқдалар.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

КАМЧИЛИКЛАР ТАН ОЛИНДИ

Рўзномамизнинг шу йил 10 август кунги сониде «Антиқа текширув ёки яна сарсон-саргардонлик ҳақида» деб номланган материал эълон қилинган. Унда жумҳурият ИИБ давлат автомобиль назоряти ходими милиция капитани Анавар Назаров «Инқилоб хибони — Улугбек қўргони» йўналиши бўйича хизмат кўрсатувчи жамоат улови ҳаракатидаги интизомсизлик ҳақида ўз танқидий мулоҳазаларини баён этганди.

Биз эса ана шу чиқиш юзасидан жумҳурият автомобиль транспорти вазирлигига у ердаги ўртоқлар муносабатини сўраб хат юборгандик.

Ниҳоят, ана шу сўровимизга жавоб олдик. Бу хатга Тошкент вилояти йўловчилар ташиш ав-

тотранспорти концерни раисининг ўринбосари ўртоқ А. Кўчқоров имзо чеккан.

Унда ёзилишича, мазкур чиқишимиз Тошкент вилояти автокорхонаси ҳайдовчилари ўртасида кенг муҳокама этилди. Кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилди. «Октябрь инқилоби — Улугбек қўргони» йўналиши бўйича қатновчи ҳайдовчиларга қўшимча равишда йўл-йўриқлар берилди. Қолаверса, автобуслар ҳаракатида белгиланган графикка риоя этиш кераклиги айтиб ўтилди.

Рўзномада кўрсатилган камчиликларни бажариш борасидаги ҳаракатлар устидан назорат ўрнатилш эса, автокорхона директорининг ўринбосари Ш. С. Сайдалиев зиммасига юклатилди.

ЙЎЛ ИНТИЗОМНИ ЁҚТИРАДИ

БЕФАРҚЛИК КЕТМАЙДИ

Шу йил 2 октябрь куни соат 19 ларда Тошкент шаҳрининг Янка Купала кўчасида фалокат рўй берди. 1971 йилда туғилган Андрей Пинаев 39-68 ТНД давлат рақамига эга бўлган Урал-М-67 белгили мотоциклини бошқариб бораётганда, КАВЗ белгили автобус билан тўқнашиб кетди. Натижада Андрей ҳаётдан кўз юмди. Унинг ҳамроҳлари — 20 ёшли Равил Имангулов ва 17 ёшли Надежда Ветлицкаялар оғир тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

Шу фожиадан бир кун аввал, яъни 1 октябрь куни соат чамаси 19 лар атрофида Фарғона нон маҳсулотлари комбинатининг ишчиси Одил Гафуров Восход-3М белгили мотоциклини бошқариб бораётганда, йўл ҳаракати қондаларини бузиш оқибатида ағдарилиб кетади. Оқибатда ҳайдовчи ва унинг ҳамроҳи — Мирза Султоновни зудлик билан касалхонага олиб боришади.

Маълумки, мотоциклларни бошқариш ҳайдовчидан жуда катта ҳушёрлик ва маҳорат талаб қилади. Лекин юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, кўп ҳолларда рулни бошқараётган ҳайдовчилар йўл ҳаракати қондаларига эътиборсизлик билан қарашлари кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келмоқда. Пахта йиғим-терими даврида қишлоқ хўжалиги ишлари авж олиши билан биргаликда йўлларда уловлар қатновни ҳам анчагина кўпаяди. Ана шундай шароитда йўл ҳаракати қондаларини яхши билмайдиган, бошқаришни ҳам наридан бери ўрганиб олган, мотоциклсиз мотоцикличи ёшларни кўриб таажжубланасан, киши. Кўплаб мотоциклларнинг техник жиҳатдан носоз эканлигини эса изоҳлашга сўз топиб бўлмайди. Минг афсуски, ҳайдовчилар фақат ўзлари-

нинггина эмас, балки бошқа бегуноҳ инсонларнинг соғлиқларига зарар етказиб, ҳаётларига хавф туғдирмоқдалар. Қўйидаги мисолларга мурожаат қилиб кўрайлик.

2 октябрь куни соат 10 ларда 1969 йилда туғилган Хидирали Султонов 29-35 НАЕ давлат белгисига эга бўлган уловни бошқариб бораётганда, Наманган-Тепакўрғон йўлининг 12-километрида Сиддиқ Холмирзаевни уриб юборади. Бу йўл-транспорт ҳодисаси натижасида С. Холмирзаев тан жароҳати билан касалхонага жойлаштирилди.

Худди шу куни соат 17 ларда Қашқадарё вилояти Ғузор туманининг Наврўз шўро хўжалиги ҳудудида шу хўжалик ишчиси Бобоназар Ҳасанов ўзига қарашли «Урал» мотоциклини бошқариб бораётганда, йўл ҳаракати қондаларига риоя этмаслик оқибатида 8 ёшли Баҳром Ҳаққуловни уриб юборади, у ҳам оғир тан жароҳати билан касалхонага ётқизилади.

Мана, ҳар иккала фалокатда ҳам айбисиз одамлар жабр кўрганлар. Ваҳоланки, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман олганда, 2 октябрь куни жумҳуриятимиз йўлларида 8 та йўл-транспорт ҳодисалари қайд қилинган бўлса, шуларнинг 6 таси қишлоқ йўлларида содир этилди.

Шу ўринда ҳайдовчиларга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, йўлга чиқишдан аввал мотоциклнинг техник кавий ҳолатига алоҳида эътибор беринг. Бундан ташқари уловни бошқаришдан олдин мотоциклнинг кийиб олиш зарурлигини эсдан чиқарманг.

Анвар НАЗАРОВ,
жумҳурият ИИБ ДАНБ
ходими милиция капитани.

Халқимизнинг ажойиб одати бор: агар кимдир остона ҳатлаб, сафарга отланса, қолганлар унга оқ йўл тилашади. «Йўлингиз бехатар бўлсин!» — дейишади. Яхши ният яхшида.

Аммо шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида Олмалиқ шаҳри ҳудудида 57 марта автофалокат содир этилди. Натижада 8 киши ҳалок бўлди, 56 киши эса тан жароҳати олди.

Йўлларимиз оқ бўлсин!

— Биз шундай кўнгилсизликлар бўлмаслиги учун қўлимиздан келган барча ҳаракатларни қиляпмиз, — дейди шаҳар ИИБ ДАН бўлини маси бошлиғи милиция майори Ҳабибулла Назиров. — Аммо кўпчилиги кўпчилиги экан. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланишга вақт ҳам, имконият ҳам йўқ.

Ўтган даврда 8 минг 200 нафардан ошқ қондабузарни тўхтатдик. Уларнинг 281 нафари маст ҳолда рулга ўтирганлар, 1 минг 200 дан ортиғи эса тезликни оширганлар.

Ваҳоланки, кўзимизни шамғалат қилиб ўтиб кетганлар умуман бизга кўриниш бермаганлар, ёки тўхташ ҳақидаги ишорамизга бўйсунмай қочиб қолганлар қанча.

— Ана шундай қондабузарликлар қайси турдаги улов ҳайдовчилари ҳисобига кўпроқ тўғри келади?

— Мотоциклчилар ҳисобига. Ишонасизми, умумий автофалокатларнинг 44 фоизи уларнинг иштироки билан содир этилапти.

Тўғриси айтганда, улар билан шуғулланиш жуда қийин. Икки ва ҳатто уч киши битта мотоциклга мингашиб олишади, йўл ҳаракати қондаларига мутлақо амал қилмай, вариллатиб ўтаверишади. Тўхтатмоқчи бўлсангиз, тор қўчаларга кириб, кўздан ғойиб бўлишади.

— Демак, уларни тартибга чақириш мумкин эмас эканда?

— Нега энди? Мумкин. Айтилик, кўчаларда алоҳида гуруҳлар тузаямиз. Бу гуруҳлар асосан беш кишидан иборат бўлади. Уч ходимимиз формада, икки нафари эса фуқаро кийимида. Улар қондабузар-мотоциклчини то уйига сездирмай таъқиб этишлари мумкин. Ҳозирча ўйлаб топган янги усулимиз шу.

Иккинчидан яна шунга айтиш керакки, давлат автокорхоналари томонидан қондабузиш ҳоллари кам содир этилиши кузатишмоқда. Сабабики, бўлинимизда 17 нафар инспекторларимиз бўлса, уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида корхона ва ташкилотларга бириктириб қўйилган.

Аммо шахсий улов ҳайдовчилари билан ишлаш, худди мотоциклчилар каби, анча-мунча оғир кечяпти. Аввало шаҳар рўзномаларида чиқишлар қилиб, уларни тарбиялашга ҳаракат қиляпмиз. Қўлга тушганларни эса қаттиқ чора кўриш билан «сийлаяпмиз».

— Демак, жарима солиш билан...

— Йўқ, жарима солишга вилоят ИИБ ДАНБ рухсати керак. Биз асосан уларни маълум муддатга улов бошқариш ҳуқуқидан маҳрум

этияпмиз. Бу менимча, анча-мунча оқилона услуб. Қондабузар бугун катта миқдорда жарима тўлаб, эртаси куни бир кор-ҳолга сабабчи бўлиши мумкин. Ҳайдовчилар ҳуқуқидан маҳрум қилиш, барибир, тўғрироқдир.

— «Бир марта кечира қолинг», — деб таниш-билишлар ўртага тушмишайми? Бундай нарсалар ҳар қандай инспекторнинг асабига тегиши мумкин.

— Албатта. Аммо биз йўлларда кўнгилсизликларни камайтиришга масъул эканмиз, начора, чидаймиз.

— Энди, Ҳабибулла ака, навбатдаги саволимиз Сизларнинг техника воситалари билан таъминланиш даражаларингиз ҳақида.

Кўп ҳолларда бошқа жойлардаги ҳамкасбларингиз ана шу масала бўйича эътироз билдиришади.

— Гапингиз тўғри. Кези келганда айтиб қўяй: мен бу лавозимда ишлаётганимга кўп бўлгани йўқ. Атиги 7 ой бўлди.

ДАН бўлинимаси бошлиғи сифатида иш бошлаган ўша кезларда ихтиёримизда биттагина машина бор эди. У ҳам юрмасдан ётганди. Яхшилаб таъмирладик. Кейин шаҳардаги автокорхона битта «РАФ» совға қилди. Ҳозир рация ўрнатапмиз. Эрта-индин хизматга шай бўлади. Бундан ташқари бўлимда битта «Газ-69» белгили машина бор экан, ўз «умрини яшаб бўлган» дейиш мумкин. Уни ҳам таъмирлаб-созлаб олдик. Ниҳоят, бошқармадан эски бўлса ҳам битта «Газ-24» белгили автомашина ажратишди. Хуллас, ҳозирги кунда тўртта улов воситамиз бор. Ҳар ҳолда ишласа бўлади.

Аммо асбоб-анжомлар жиҳатдан аҳволимиз унча яхши эмас. Рациялар етишмайди, тезликни ўлчовчи асбоб сув билан ҳаводек зарур.

— Умуман айтганда, кейинги пайтларда йўл назоратчилари хизмат шароитини яхшилаш борасида кўзга кўринарли бирор иш қилинми?

— Бўлмасам-чи! Олмалиққа кираверишда кўзингиз тушгандир, янги пост қурилди. Ҳамма шароитлар етарли.

Қолаверса, маъмурий биномиз учун 150 минг сўмлик лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди. «Ўзбекистон» деган кичик корхона қурувчилари эса ишни бошлаб юборишди. Бу битса, янада кўкрагимизга шамол тегади. Равшанки, шунда хизматимиз сифат ва самарадорлик жиҳатдан янги юғоналарга кўтарилади.

— Юқорида айтдингиз, кўл остингизда 17 нафар

инспекторларингиз бор экан. Шулар етарлими?

— Йўқ, етарли эмас. Қўшимча куч бўлса, зарар қилмасди.

— Унда сафларингизни муниципал инспекторлар

ҳисобига кенгайтирса бўлмайди?

— Бу борада ҳаракатлар қилинган. Шу тартибда 6 нафар ходимни қўшимча равишда ишга олишимиз керак эди. Маҳаллий бюджетдан маблағ ҳам ажратилган. Аммо вилоят ижроия қўмитаси негадир рухсат бермай турибди. Бу ишга ҳозир бошқармаимиз ҳам аралашган. Ажаб эмас, ижобий ҳал этилса.

— Айтингчи, ўтган йилги «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни куцайтириш ҳақида»ги Қонун Сизларга қандай наф берди?

— Имкониятларимиз даражасини ошириб юборди. Авваллари бундай эмасди. Кўчада биттасини тўхта-тиб, чора кўрмоқчи бўлсангиз, ҳақоратлар тагида қолиб кетардингиз. Қонун биринчи навбатда ана шу томондан бизга ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қиляпти.

— Демак, ҳалол хизмат қилаётган инспекторнинг айтгани-айтган?..

— Йўқ, ҳали унчалик эмас. Мисол учун шу йилнинг ўзида милиция сержант Комилжон Қобиловага нисбатан куч ишлатилиб, икки марта тан жароҳати етказилди.

— Шу ҳақда батафсилроқ...

— Ҳа-ҳа, албатта. Биринчи мартасида у қондабузар ҳайдовчига тўхташни буюрган. Аммо ҳайдовчи унга бўйсунмаган. Тўхташга мажбур бўлгач, инспекторни олдин тепиб, кейин урган.

Иккинчи сафар эса Комилжон маст ҳолатдаги мотоцикл ҳайдовчисини экспертизага олиб борган. У ердаги мутахассисларнинг аниқлашларича, ҳайдовчининг ўрта даражада кайфи бор бўлган.

Энди инспекторнинг олдида битта вазифа қолганди: маст кишини ИИБга олиб бориб, шахсини аниқлаш.

Аммо йўлда хўжандлик бўлган бу шахс ҳам Комилжонга тан жароҳати етказган.

Қонун туфайли ҳозир бу зўравонлардан бири прокуратурада тергов қилиняпти, иккинчисининг иши судга оширилган.

— Агар шу икки воқеа ниҳоясига етгандан кейин бизга маълум қилсангиз, ўша зўравонларнинг исми-шарифини ва муштумзўрлиги учун қандай жазога лойиқ топилаганини рўзномамизда чоп этардик. Бу эса шу тоифага мансуб кишиларга сабоқ бўларди.

— Шундай қиламиз. Менинг ниятим ҳам шунақа.

— Энди сизга охириги савол билан мурожаат қилмоқчиман, Ҳабибулла ака. «Поста» мухлисларига қандай истакларингиз бор?

— Аввало ҳар бир хонадонда тинчлик бўлсин. Остона ҳатлаб, кўчага чиққан одамга, айниқса, унинг туғишганлари чин юракдан оқ йўл тилайди. Ана шу тилакнинг ижобатга ўтиши кўп жиҳатдан уларнинг ўзларига, йўлдаги интизомларига ҳам боғлиқ. Шунинг эътибордан четда қолдирмаслилар.

Сухбатдош
Раҳмонали ҚОСИМОВ.

ИЧКИЛИК ОҚИБАТИ

Ичкилик кишини не қўйларга солмайди. Тупна-тузук одами бир пасда ҳо-нумонидан айириб, номига қора доғ чаплайди.

Калинин туманилик Рустам аввал ўртоғи Шавкат билан ичди. Кейин биргалишиб Рустамнинг ота-они-


синикига боришди. У ерда укаси Абдурауф билан яна «отам»лашишди. Икки улфат яна сайр қилмоқчи бўлишди. Йўлда дўстлари Аб-рор ва Асрорларни ҳам машинага ўтказиб олишди.

Анча-мунча юришгач, Рустам рулни ширакайф Шав-

катга берди. У эса катта тез-ликда кетаётган, уловни бошқара олмай қолди. Машина йўл четига чиқиб, ағнади. Натижада Шавкат ва Асрорлар шу жойнинг ўзида ҳаётдан кўз юмдилар.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани халқ суди Р. Мамажоновга тегишли жазо белгилади.

Садафия ЛАЪЛИ.



Бахтиёр Хидиров Боёвут тумани ИИБ ДАНБга йўлланма билан ишга келганига беш йилдан ошяпти. Ўтган вақт мобайнида ўзининг меҳнат-севарлиги билан ҳамкасблари орасида яққол кўзга ташланиб қолди. Халқ орасида обрў-эътибор топди.

СУРАТДА: милиция катта лейтенанти йўл ҳаракати катта инспектори Б. Хидиров хизмат вазифини бажараётган пайтда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

Иккинчи «ОПЕРАЦИЯ»

Аввало мухлисларимизни огоҳлантириб қўяйлик: бу иш ҳали ниҳоясига етмаган, судда муҳокама этилмаган, Шу боис, «қаҳрамонлар» и-миз номларини шартли ра-вишда ўзгартириб ёзамиз.

Уша куни, яъни биринчи сентябрда Тимур, Руслан ва Галиялар Олмалиқ шаҳридаги «Марҳамат» ресторанида ўтиришди. Оз-моздан ичиш-ган бўлсалар, бу ҳам эҳти-молдан ҳоли эмас.

Хуллас, шу ерда айнан шу куни амалга оширилиши керак бўлган тадбир режаси-ни белгилаб олишди.

— Ҳозир тўппа-тўғри «Ин-тернат» маҳалласига бора-миз,— деди Галия ҳар эҳти-молга қарши шивирлаб.— Уша ерда бадавлат одамнинг уйини биламан. Ҳатто аввал бир марта уникида бўлган-ман ҳам.

— Ҳозир борсак, уйда кимдир бўлиши мумкин,— деди Тимур.

— Ҳамма гап шундада,— деди Галия фикрини маъқуллаб. Айни пайти. Зоғ ҳам бўлмади.

— Унда бундай қиламиз,— суҳбатга Руслан қўшилди.— Борамизда, ҳар эҳти-молга қарши уйда ким бор, ким йўқлигини текшириб кўра-миз. Бу ишни сен бажара-сан, Галия! Кейин...

Маслаҳат «пишди», такси тутишдида, манзил томон елиб кетишди.

Келишувга биноан Галия хонадон эгаси исмини айтиб, икки-уч бор чақириб кўрди. Ичкаридан ҳеч қандай жавоб бўлмади.

— Бошлайверинглар, ҳам-маси жойида!— деди у ва ўзи шу ерда қолиб, қоровул-чилик қилишни зиммасига олди.

Шериклари эса кўзлари аланг-жаланг бўлиб, ичка-рита кириб кетишди. Атиги ярим соатда белгиланган ре-жа амалга ошди-қўйди.

Шу кунийк Виктор Про-тасов шаҳар ИИБга юрагини ҳовучлаганча кириб келди.

— Уйимни ўғри уриб ке-тибди, ёрдам беринглар!— деди гоҳ у ходимга, гоҳ бу ходимга мўлтираб.

Навбатчилик қисмидаги-лар эса аввало жабранувчи-дан ариза ёздириб олишди. Кейин зудлик билан опера-тив гуруҳ тузилди ва воқеа жойига жўнатишди.

Протасовнинг уйи диққат билан кўздан кечирилди — ўғрилар ичкаридан беркитил-маган дераза орқали кириш-ган.

Ўғирлаб кетилган моллар хомаки ҳисоб-китоб қилинди. Ҳаммаси бўлиб 4 минг 522 сўмлик буюмлар олиб чиқиб кетилган.

Қўни-қўшиллар билан ало-ҳида суҳбатлашилди. Бу ҳам ҳеч нарса бермади. Улар ҳам Протасовга ачинганлари-ча, елка қисишдан нарига ўтишмади.

Хуллас, 20 сентябргача қилинган саъй-ҳаракатлар-нинг ҳаммаси бекор кетди. Бу орада ИИБга қатнайвер-иб, жабранувчининг оёғи-да оёқ қолмади. Изқуварлар эса тобора йўқолган нарсаларининг топилишидан уми-дини узиб бораётган бу ки-шига нима деб тасалли бе-ришга ҳайрон.

— Қидириямиз, ажаб эмас топилиб қолса!— дейишди. Ниҳоят, ЖКБ ходимлари гумон туфайли қўлга олин-ган уч нафар шахсни олиб келишди. Улар юқорида айт-ганларимиз — Тимур, Рус-лан ва Галиялар эди.

Учовини сўроқ қилиш ёш терговчи милиция лейтенан-ти Дониёр Бегматовга топ-ширилди.

— Милицияда 1984 йил-дан, терговчи бўлиб эса бир ойдан бери ишлаяпман,— дейди Дониёр биз билан суҳ-батда.— Тошкентдаги олий милиция мактабини битириб келдим. Ўғрилиқда гумон қилинган ана шу уч нафар шахсни ўрганиш жараёнида мактабда олган билимларим-ни ишга солдим.

Уларнинг орасида Тимур жуда «ичимдагини топ» хи-лидан экан. Ҳеч нарсани тан олмади. Аммо унинг шерик-лари Руслан ва Галиялар қил-мишларини оқизмай-томиз-май айтиб беришди.

Дониёр улар билан ўтка-зилган суҳбатлар жараёнида шу гуруҳ томонидан аввал-роқ содир этилган жиноятни очишга ҳам муваффақ бўл-ди. Учовлон 18 август куни шаҳарнинг Ленин кўчасида истиқомат қиладиган Ива-новни чув туширишган экан.

— Уша куни уй бекаси хаста ётган онасини кўриб келиш учун чиқиб кетади,— деди Дониёр.— уйда эса Иванов ёлғиз қолади.

Буни қарангки, хотини ун-га ишонганми ёки унутган-ми, ҳар қалай эшикни таш-қаридан беркитмай кетган. Бу ҳолат ўғриларга жуда мос келди. Одатдагидек Га-лия кўчада қолиб пойлоқчи-лик қилган, Руслан ва Ти-мурлар эса бемалол ичкари-га кириб, 530 сўмлик мол-мулкни орқалаб чиқишган. Қўлоғи оғир Иванов эса мут-лақо беҳабар ўтираверган. Ана шу қилмишлари учун ҳам жиноий иш қўзғатган-ман.

— Ҳозир гуруҳ аъзолари қамоқда бўлишса керак?

— Ҳа, албатта, прокурор санкцияси билан улар қамоқ-қа олинган.

Шу ўринда иккинчи «опе-рация»лари барбод бўлган бу шахсларнинг шу пайтгача кечириб келган турмуш тар-зларидан огоҳ бўлишни иста-сангиз керак? Марҳамат, бу саволга ҳам жавоб тайёр.

Руслан муқаддам икки марта судланган. 1980 йилда Ўзбекистон ЖМнинг 125-моддаси 2-қисми билан, 1983 йилда эса 94-модданинг 3-қисми билан қамалган.

Тимур эса 1978 йилда 88-модданинг «А» банди бўйича 3 йилга, 1981 йилда 114-модданинг 3-қисми бўйича 12 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Аёл киши бўлсада, Галия-нинг «тажрибаси» уларники-дан кўп.

У бир марта Ўзбекистон жумҳурияти, бир марта РСФСР, икки марта Қозо-ғистон жумҳурияти жиноят мажмуаси қонунлари бўйича судланиб, ўтириб чиққан.

Умуман айтганда, улар-нинг кечмишлари букрини гўр тузатар, деган халқ нақ-лини киши ёдига солади.

Алп ЭРДОН.

ЎҒИРЛИК КАСБ ЭМАС

Баҳодирнинг қўлида гул-дай касби бор. Гулистон шаҳридаги наслчилик-пар-рандачилик фабрикасида чилангар бўлиб ишларди. Шу йилнинг 11 апрель куни кечаси соат 23 ларда фаб-рика қозонхонасига келди. Унинг иккинчи қаватида жойлашган омборхона қул-фини бузиб, газ плитасини ўғирлаб, яшириб қўйди. Аммо милиция ходимлари

унинг жиноятини фош қил-дилар.

Баҳодир Зарипов суд ҳукми билан 3 йилга озод-ликдан маҳрум этилиб, жазо муддати шартли қилиб бел-гиланди.

Эндиғина 21 баҳорни қар-шилаган бу йигит ўз қилми-ши билан инсоний шънига доғ туширди.

Ҳ. МАЖИДОВ.



Маълумки, ички ишлардаги хизматнинг асосий оғир-лиги участка вакиллари зиммасида. Мана шу қийинчи-ликларга чидаган кишигина бу касбни танлайди.

Милиция капитани Мухтор Аҳмедов Собир Раҳимов тумани ИИБда участка вакили бўлиб хизмат қилади. Ун-га тегишли ҳудудда кейинги пайтларда жиноятчилик, қонунбузарлик сезиларли равишда камайди. Бунга у одамлар билан ишлашга катта эътибор бераётганлиги сабаблигина эришмоқда.

Уни ҳар қандай шаронда ҳам халқ орасида учрата-сиз. Ўзига тегишли ҳудуд аҳолисини жуда яхши била-ди. Шунинг учун бўлса керак, содир этилган жиноятлар-ни оператив равишда очишга эришмоқда.

СУРАТДА: милиция капитани М. Аҳмедов.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ДОИМИЙ МИЖОЗ

Муқаддам икки марта суд-ланган Аҳмаджон қонуи би-лан ўчакишадиган қилиқ чи-қарди.

Жазони эндиғина ўтаб қайтган. Ҳали ўтирган ўрни совимасдан 16 март куни спиртли ичимлик ичиб, кўча-да безорилик қила бошлади. Бу қилмиши учун Бекобод ша-ҳар халқ суди унга 30 сўм жарима солди. Милиция хо-димларига отининг қашқасидай маълум бўлган Аҳмаджон 17 апрелда ўрнатилган маъмурий назорат қондасини кўпол ра-вишда бузди. Бу гал ҳам 30 сўм жарима тўлаб қутулди. 9 май куни яна қонунга хилоф иш қилди.

Маъмурий назорат қонда-сини доимий бузган безори

шаҳар халқ суди томонидан 6 ойга озодликдан маҳрум этилди. Аммо қўл-оёғи чақ-қон қонунимиз қондабузар-нинг ёқасидан тутгунча у нон заводи ёнида ишчи қизларга шилқимлик қиларди. Қизларга йўл бермаётган мастни тартибга чақирган Имомназарни уриб, тан жа-роҳати етказишга ҳам улгур-ди.

Суд ҳайъати ўзининг доимий мижозини бу гал ўзоқроқ муддатга «меҳмондорчилик-ка» жўнатди.

Бу билан милиция ходим-ларини анча-мунча ташвиш-лардан ҳоли қилиб, ўзлари ҳам дам олишадиган бўлди.

Нур БАДИЯ.

УЙҚУДАГИ ҚОРОВУЛЛАР

Қоровулларнинг туни билан мижжа қоқмай, ўзи жавобгар ҳудудда айланиб юрганини кўрган-мисиз? Йўқ. Қачон қарамаган, эшикларини ичи-дан тамбалаб мириқиб ухлаб ётган бўлишди. Чунки куни билан киракашлик, деҳқончилик, коррандачилик қилиб чарчаганда. Кошки улар-га туртга гишт ёки олтита тахта ишониб топши-рилган бўлса. Давлатнинг юз минглаб, милли-онлаб сўмларига жавобгарку. Агарда олаётган маошларини ҳалоллаб ейиши кераклигини ту-шунишганда эди...

Хусан 17 ёшда. Биринчи марта судланганида 15 ёшда экан. Шу сабаб суд унинг гўрлигини ҳисобга олиб, ҳукм ижросини 2 йилга кечиктир-ганди. Бироқ у бунни ўзинча тушунди. Эҳти-мол, ёшлиги туфайли бериладиган бу имтиёздан фойдаланиб қолгиси келгандир.

Кечки ўрта мактабнинг 11-синфида ўқиётган ўртоғи Шарофиддинни аврай бошлади.

— Шарофиддин, битта иш бор. Бир кеча-нинг ўзида пуlining тағида қоламиз.

— Қанақа иш экан?

— Мен яшайдиган кўчада база бор. Кеча ва-гонлар тўла «РАФ» машиналари келган. Улар-нинг гилдираги «Волга»га ҳам тушади. Уч-тўрт-тасини ўмарсак, етади. Мотоцикл сотиб олиб, маза қилиб миниб юрамиз.

— Йўқ, бунақаси кетмайди.

— Вой, менга қара! Жудаям кўрқоқ экансан-ку! База ҳовлисида сен эмас, мен кираман. Унинг деворлари жуда паст. Темир йўли ўтган дарво-заси тагидан бемалол ўтса бўлади. Сен фа-қат ташқарида ташиб турсанг бўлгани.

Бўш-баёв Шарофиддин кўнди.

Ҳақиқатдан дарвоза тагидан бемалол ўтиш мумкин эди. Хусан яп-янги уловларга яқинлаш-ди. Эҳтиёт гилдиракларни бирма-бир Шаро-фиддинга узатди. У эса буларни наридаги чу-қурга элтди. «Қоровул бу пайтда ухлаб ётарди. Чуқурча устига шох-шабба ташлашиб, оғайни-лар тарқалишди.

Қоровул Ортик Расуловдан навбатчиликни қа-бул қилаётган А. Усмонов ўғирлиқни ўз пайти-да сезиб қолди. Чоп-чоп бошланди. База атрофи ҳам кузатилди. Ҳайрият топишди. Қоровуллар А. Усмонов, Т. Усмонов, экспедитор С. Улма-совлар гопни бир жойга қўйиб, яширин мол-ларни олиб кетишга келаётган ўғирларни пойлашга қарор қилишди.

Она сутти оғзидан кетмаган йигитчалар ушла-ниб, милиция ходимларига топширилди.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани халқ суди аввалги жиноятдан қолган бир йилни қў-шиб, Хусан Маҳмудовни 4 йилга кесди. Шаро-фиддинга эса уч йил муддат белгилаб, гўрлиги сабабли ҳукм ижросини икки йилга кечиктирди. Қўли эгрилар қоровулнинг доимо уйғоқ, зий-раклигига ишонганларидега эди, бу каби жиноят-лар бўлармиди-йўқмиди?

Шунча мулк ишониб топшириб қўйилган база раҳбарлари нега тез-тез фавқулодда текши-ришлар ўтказмаскинлар?

Нега халқ мулки лоқайд, бепарво одамлар қўлига ишониб топширилган?

Бунинг учун ким жавобгар? Эгаси борми? Маҳкам ҲАКИМОВ.

МУШТУМЗҮР

Яхшигина кайф қилиб ол-ган Рустем Курмаевнинг балиқ овлагиси келиб қолди. Ҳамма ёқнинг тўс-тўполони-ни чиқариб юборди. Бироқ аксига олгандай уйнинг ҳеч қайси бурчагидан қармоғи топилмади.

Аввалдан эр-хотиннинг ора-сидан ола мушук ўтгани учунми ёки қармоқ бир ба-ҳона бўлди, ҳарқалай у хо-тинини уриб тан жароҳати етказди. Ҳушидан кетган ра-фиқасини кўрган Рустем ўп-дириб қўйди.— деган гу-монда уйдан қочиб кетди. Қўни-қўшилларнинг ёрдами туфайли ўзига келган И. Кур-маева эртаси куни шикоят билан Олмалиқ шаҳар ИИБга мурожаат қилди.

Ҳадемай муштумзўр суд олдида жавоб беради.

М. ИСРОИЛОВА.

ТАКСИНИ ЕЛДИРГАН

НИКОЛАЙНИНГ ТИЛЛАСИ

Тунги соат иккилар эди. Ургут тумани ИИБ ходим-лари Шамсидин Файзиев, Зиё-дулла Қосимов, Баҳодир Этамов, Аваз Имомовлар ўз хизмат вазифаларини бажариб туришарди. Самар-қанд шаҳридан елдек учи-б келаётган такси уларнинг эътиборини тортди. Тўхта-тиб ҳужжат сўрашди. Ҳам-маси жойида. Лекин сергак милиционерлар орқа ўрин-диқда ўтириб келаётган аёлнинг безовталанаётгани-ни сезиб қолишди. Улар-нинг диққатини аёлнинг ёнидаги ярим очиқ сумка ўзига тортди.

Текширув натижасида ичига эски латта-путта, ки-йим-кечақлар тиғиб таш-ланган бўлсада, бу сумка «камбағал» эмаслиги аниқ-ланди. Ундан нақд 25123 сўм пул топилиди. Лекин бу ҳаммаси эмас. Эски кийим-лар кўздан кечирилаётган-да, қандайдир қора таёқча ерга тушиб кетди. Маълум бўлишича, бу «сеҳрли та-ёқча» экан. Сиртидаги қо-ра лента юлиб олинганда, 48 дона 1899 йилда— Ни-колай II замонасида зарб этилган 10 сўмлик танга-лар чиқди.

Аниқланишича, бу аёл Чичен-Ингуш мухтор жум-ҳуриятининг фуқароси экан. Тергов ишлари бошлаб юборилди.

О. МАЪРУПОВ,

Ургут тумани ИИБ бош-лигининг ўринбосари милиция майори.

ТИЛЛА ТИШ шайқошлари

Бу қотиллик очилиш жараёнининг оперативлиги билан кўпчиликини ҳайрон қолдирди. Қотиллар ҳали қилиб қўйган ишларини тўласича англаб улгурмасдан қўлга олинган эди. Ҳа, улар ишни бунчалик тезлашиб кетишини ҳаёлларига ҳам келтиришмаган. Мурдадан тилла қопламаси билан қўшиб суғуриб олинган тишларни столга ёйиб қўйиб, бемалол ухлаб ётишарди. Тўсатдан милиция келди-ю...

Рашид эрталаб қизи, хотинини олиб, кино кўргани борди. Мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Қайтаётиб ичгиси келиб қолди. Йўлда Йўлдош — 4 маҳалласига тушишди. Бу ерда вино топиш осон. Рашиднинг дўсти Ҳалит ҳам иккита йигит билан шу ерда юрган экан. Бир шиша вино олишиб, шу ерда ичишди. Кейин Рашиднинг хотинини қизчаси билан уйга жўнатишиб, ичишни яна давом эттиришди. Бу орада улфатлар яна кўпайишди. Ўтган-қайтгандан вино келтиришни илтимос қилиб, кечгача ўтиришди. Қош қорайишига яқин улфатларнинг қаторига Жанна ҳам келиб қўшилди (У уйдан ўн бир кун олдин бозорга бориб келмаган, деб қийиб кетган эди. Қайларда юргани номаълум). Улфатчилик давом этди.

Бу давра меъдаларига теккач, Ҳалит, Рашид, Жанна учаласи 19-уйнинг орқа томонидagi кичкина саройчага ўтишди. Ичишни яна давом эттиришди. Кейин кимдир эркаклигини-ю кимдир аёллигини эслаб қолди. Хуллас, олдин Рашид ташқарига чиқиб турди. Ҳаммаси рисоладагидек бўлди. Кейин у кириб, иккаласи жинсий алоқада бўлишди. Аммо Жаннанинг шунчаки тили қичидими, ишқилиб эркак сифатида қониқтирмаганини айтди. Рашидга эса бу алам қилди. Тўрт марта қамалиб чиққан, 1983 йилда Сирғали тумани халқ судининг ҳукми билан ўта хавфли жиноятчи деб ҳисобланган одамни эркак сифатида йўққа чиқаргани унга роса алам қилди. Айтишиб қолишди. Кейин гурури ҳақоратланган эркак Жаннанинг бошига яхшилаб бир мушт туширган эди, у мувозанатини йўқотиб йиқилди. Ерда ётган тошни олиб, уч-тўрт марта яна бошига туширди. Бунга ҳам кўнгли тўлмади, шекилли, яқинроқда ётган ўтиргичнинг синган оёғини олиб, у билан ҳам ура бошлади. Воқеа шунчалар тез содир бўлдики, тўрт-беш қадам нарида турган Ҳалит ўзига келиб, уни идрок этгунича содир этилди бунинг ҳаммаси.

— Нима қилаяпсан?!

Ҳалит чопиб келганида бўлар иш бўлиб, бўёғи синган эди. У ерда ётган Жаннанинг устига энгашди.

— Нима қилиб қўйдинг?

— Нимага лойиқ бўлса, ўшани олди! — деди Рашид бамайлихотир.

Ҳалит эса боши ёрилиб, ҳамма ёғи қонга беланган Жаннанинг олдига ўтирди:

— Ўлибди. Тезроқ кетиш керак.

Иккаласи орқага қайтишга чоғланиб, бир-икки қадам юришган ҳам эдики, Ҳалитнинг бошига ажойиб фикр келиб қолди.

— Нима дейсан, Жаннанинг тилла тишларини суғуриб олмай-мизми. Унга энди барибир керак эмас-ку, тўғрими? Икки ўртада бир нарсали бўлиб қоларди.

— Ажойиб фикр, — дарҳол рози бўлди Рашид. Ким билади, бу олдинроқ ўзининг калласига келмаганига афсуслангандир, балки.



Иккаласи биргалашиб омбур излагани кетишди. Иш бир юришса юришаверар эканда. Йўлда 16-17 ёшлар чамасидаги ўсмирга дуч келишиб, сидқидилдан илтимос қилишган эди, уйларида омбур чиқариб берди. Икки оғайни хурсанд бўлиб орқага қайтди. Бу вақтга бориб, мурда қотиб қолган эди.

«Мен Жаннанинг бошини ушлаб турдим. Табуретканинг оёғи билан унинг оғзини очдим. Ҳалит эса омбур билан тилла қопламаларга қўшиб унинг тишларини суғуриб ола бошлади. Бунга қанча вақт кетганини эса билмайман».

(Рашиднинг терговда берган кўргазмасидан).

Ҳалит тишларни ўнг чўнтагига солди. Узун-қисқа бўлиб кўчага чиқишди. Мурда эса энди уларни қизиқтирмас, чунки унда бошқа қимматбаҳо нарса қолмаган эди. Эндиги ният бир тинчгина жойни топиш ва ичиш эди. Рашид уйига кетмоқчи бўлди. Ҳалит эса кўнмади.

— Бизниқига борамиз. Тинчроқ. Йўлда омбурни кимнингдир ҳовлисига отиб юборишди.

Уларни Ҳалитнинг хотини Света кутиб олди. Қўлларидаги винони олиб, ўрин тўшаб берди. Жуда чарчашган эканми, иккаласи дарҳол уйқуга кетишди.

Света эрта турди. Эркаклар ҳали маст уйқуда эди. Шу сабабли халақит бермаслик мақсадида бу хонага кирмади. Ишга кетди.

Рашид билан Ҳалит бу орада бир уйғонишди, оз-оздан «бошорик» қилиб, яна уйқуга кетишди.


Соат ўн бирларга яқин Светанинг ишхонасига милиционерлар боришди. Эрини сўрашди. У уйда ухлаб ётганини айтди. Бу вақтда милиция қотиллик содир этилганидан хабар топган. Бунга Рашид ва Ҳалит иккаласининг алоқаси бор деган тахмин илгари сурилаган эди. Шунини текшириб кўриш керак.

Милиционерларга қўшилиб Света ҳам уйга келди. Ҳамма ишни «қойиллатиб» қўйган икки оғайни ҳали ҳам ухлаётган эди. Столда виноси яримлаб қолган шиша, газаклар, папирос қолдиқлари, мурданинг оғзидан суғуриб олинган тишлар — 12 дона сочилиб ётарди. (Уйғонган пайтларида икки улфат ўз «бойликларини» севириб кўздан кечирган бўлишса, ажабмас).

Милиционерлар уларни уйғотишди. Кимдир Рашиднинг шимини ердан кўтарди. Света шундагина унинг қип-қизил қон эканлигини кўрди. Рашидни олиб чиқиб кетишди. Ҳалит кийина туриб хотинига дакки берди:

— Столнинг устини тозалаб қўйсанг бўлмайдими?

Света эътибор бермаган экан. У ерда ётган тишларни кўриб, даҳшатга тушди. Шоша-пиша ҳаммасини олиб, тўртинчи қаватнинг деразасидан пастга улоқтирди. Милиционерларнинг эса тишлардан хабари бор экан. Сўраб қолишди.



Пастга тушиб, ҳаммасини териб олишга тўғри келди.

Бу ишни очишда Сирғали тумани милицияси оператив ишлади. Натижада шундай инкор қилиб бўлмас далиллар топилидики, жиноятчилар «қулоқ қоқмай» ўз айбларини бўйнига олишга мажбур бўлишди. Тўғри, олдинги Ҳалит қилган жиноятдан тонди. «Мен ҳеч нарсани билмайман» — деб туриб олди. Аммо шундай гувоҳлар топилидики, уларнинг кўргазмалари олдида бир оз «ўзига» келиб қолди.

Бу ерда Сирғали тумани прокуратурасининг катта терговчиси Ёқубжон Жамоловнинг алоҳида маҳорат билан ишлаганини қайд қилиб ўтиш керак.

Суд-тиббиёт кўриги Жанна бош миясидан очиқ тан жароҳати олиши натижасида вафот этганини тасдиқлади.

Ортопед-стоматологнинг хулосаларига кўра, суғуриб олинган 12 дона тилла қоплама тозаланиб, қайта ишланганда, умумий нархи 417 сўмлик соф олтин олинган. Арзийдими? Бир гап учун одам ўлдиришнинг олдида 417 сўм учун мурданинг оғзидagi тишини суғуриб олиш обрўлироқдай кўринади. Ҳа, нисбатан олиб қаралганда шундай. Ваҳоланки, дунёда ҳамма нарса нисбат билан ўлчанади. Келинг, шундай экан, воқеани бошқа нарсалар билан ҳам ўлчаб, тенглаштириб кўрайлик. Бир оғиз гап инсоннинг (у ким бўлишдан қатъий назар) умри билан тенгми? Бир кунлик умр бунақа гапларнинг мингтасидан ҳам устун туриши аниқ. Тириклик муқаддас нарса. Уни «йигитлик шаъни» билан ҳам ўлчаб бўлмайди.

Хўп, майли, ўз номусини, орини ҳимоя қилиб. (кимдан? — деган савол туғилади. Жавоб ҳам «ҳимоя» каби аҳмоқона) одам ўлдириш ҳам дейлик. Энди унинг тишларини суғуриб олиш қайси шаънга, номусга тўғри келади?

Умуман, Жаннани оппоқ эди, дейиш фикридан йироқмиз. У мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб келган. Эри билан расмий равишда ажралишган. Лекин бирга яшаб келишган. Унинг бу пала-партиш ҳаёти фожеа билан тугашида бош айбдор унинг ўзидир. Айби нимадан иборат эканини эса, сезиб турган бўлсангиз керак.

Воқеанинг учала иштирокчиси ҳам қилмишига яраша жазосини олди. Ким қонун, ким ҳаёт олдида.

Бахтиёр НУРМУҲАМЕДОВ,
Сирғали тумани прокурори.

БОЙЛИГИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Шу кунларда пахта тозалаш корхоналарида иш ниҳоятда қизғин тус олган. Масъулиятни чуқур ҳис этган корхоналарнинг раҳбарлари меҳнатни тўғри ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Аммо ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди. Айрим пункт ва заводларда ёнғиндан сақланиш бўйича бажарилиши зарур бўлган тадбирлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Жумҳурият ИИБ ёнғиндан муҳофиза қилиш бошқармаси ходимлари барча вилоятларда текширув ўтказишга, ана шундай хулосага келишди.

Наманган, Бухоро, Сурхондарё, Жиззах вилоятларидаги кўпгина корхоналар мавсумга пухта тайёргарлик кўрилмасдан, шошилинч равишда ишга тушириб юборилган. Бажариладиган муҳим ишларнинг кўп қисми қолиб кетган, амалга оширилганларнинг айримлари ҳам қўл учиди, сифатсиз адо этилган. Оқибатда кўплаб пахта тозалаш заводларида

ёнғин чиқиб, қанчадан-қанча меҳнат эвазига етиштирилган бойлигимиз нобуд бўлаётир.

Қорақалпоғистон жумҳуриятининг Беруний номи пахта тозалаш заводида илгари ҳам бир неча маротаба ёнғин хавфсизлиги қондалари кўпол равишда бузилган. Жорий йилда ҳам бу корхонада ёнғиннинг олдини олиш идоралари томонидан текширишлар ўтказилган, камчиликларни бартараф этиш юзасидан расмий равишда тақлифлар билдирилган эди. Аммо завод раҳбарлари қуруқ ваъда беришдан нарига ўтишмади. Оқибатда 19 май кунини заводнинг тайёр маҳсулотлар сақланадиган омборида ёнғин чиқиб, давлатга 100 минг сўмдан ортиқ зарар келтирилди.

9 июлда Свердлов номи (у ҳам Қорақалпоғистон жумҳу-

рияти ҳудудида жойлашган), 16 июлда Сурхондарё вилоятининг Ленин йўли, 5 августда «Сурхон» (Жарқўрғон туманида) пахта тозалаш заводларида ҳам ёнғин натижасида минглаб тонна маҳсулотлар кулга айланди.

1989-1991 йиллар давомида Жиззах вилоятида жойлашган Ульяновск пахта тозалаш корхонасида 9 марта, Дўстлик ва Октябрь пахта тозалаш корхоналарининг ҳар бирида 6 мартадан ёнғин содир бўлган.

Вилоят ижроия қўмиталари ҳар йили ёнғин чиқишининг олдини олиш бўйича қарорлар ва фармойишлар қабул қиладилар. Аммо унинг ижроси эса назорат остига олинмайди.

Утти ўзбошимчалик билан (ўт ўчириш ходимларига хабар қилмай) ўчиришга уриниш яна ҳам ёмонроқ оқибат-

ларга олиб келади.

19 сентябрь кунини Қўқондаги 1-пахта тозалаш заводида хом ашё очик майдонга тўкилаётган маҳалда ўт чиқди. Завод хизматчилари ўт ўчириш ходимларига хабар бермасдан, ўз кучлари билан уни бартараф этишга ҳаракат қилишган. Яна шундай ҳол Андижон вилоятидаги Андижон пахта тозалаш заводида ҳам содир бўлди. Хизматчилар ҳеч кимга билдирмасдан ўзларича иш тутганлар. Аммо эппай олмасликларига тушуниб етганларидан сўнггина ўт ўчириш қисмидан ёрдам сўраганлар.

Бундай ўзбошимчаликлар жумҳуриятимизга кўплаб моддий зарар келтирмоқда.

Ҳозирги кунда деярли барча корхоналарда тайёр пахта маҳсулотлари нормадагидан ортиқ йиғилиб қолган. Заводлардаги тола белгиланган

нормадан 10-15 баробар кўпроқни ташкил қилади. Корхоналарнинг кичик бўлганлиги ва сақлаш учун махсус омборларнинг йўқлиги туфайли кунлик тайёр маҳсулотлар пала-партиш сақланмоқда.

Муаммолар кўп. Уларни ўз вақтида бартараф этиш учун эса озгина кўн, озгина эътибор, масъулият зарур.

Жойлардаги масъул кишилар ёнғиндан сақланиш қондаларининг бажарилишини тез-тез, мунтазам назорат қилиб туришлари, нуқсонга йўл қўйган раҳбар ва мутахассисларга нисбатан қатъий чоралар кўришлари керак.

Уруғ қадалгандан то ҳосил етиштирилгунга қадар бўлган вақт мобайнида қадоқ қўлли дехқоннинг тортган машаққатларини, безовта кунларини бир кўз олдимизга келтирсак, лоқайдликни, ўзи-бўларчилиқни бир чеккага улоқтиришимиз мумкин.

Равайн ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармасининг муҳандиси.

«ОНАЖОН, КЕЛИНГ ЁРДАМ БЕРАЙ»

Очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатманднинг ҳожатини чиқаринг.

ҲАДИС

БИР ЙИЛЧА аввал бўлиб ўтган воқеани эсга олдим. Июлнинг жазирамалли кунларидан бири. Мен орқа ўриндиқда, укам рулда (укам ўша вақтлар такси ҳайдарди). Машина елиб кетаяпти. Кўзимни хийл юмиб, қўшиқ эшитиб бораёяман. Гарчи манзилга ҳали узоқ бўлсада, укам машинани тўхтатди.

— Ҳа, тинчликми? — сўрадим.

Машинадан тушаётиб, қўли билан йўл четига имо қилди. Ўша томонга қараганда, Чамаси 70 ёшли бир онахон, олдида кичикроқ турхалта. Ёрда картон қўтини тўшаб ўтирар, ҳам кексаликдан, ҳам иссиқдан анча толиққан кўринарди. Мен ҳам машинадан тушдим. Укам нотаниш онахонга:

— Хола, қаерда турасиз, машинага чиқинг, элтиб қўяман, — деди.

Онахон укамга биров тикилиб қолди, сўнг бошини чайқаб, «йўқ» ишорасини билдирди.

— Пулингиз керакмас, иссиқда анча қийналибсиз, юракнинг машинага, — деди яна укам. Онахон ўйланиб, туриб, жойидан қўзғалди...

Агар бир неча кун аввалги воқеа бўлмаганда, мен ўтган йилгисини эслаб ўтирмасдим.

Кеч соат 7 лар. Анча қоронғу тушиб, симёғочлардаги чироқлар ёқилган. Одамларнинг айни ишдан уйга қайтар вақти. Мендан ўн-ўн беш қадамча олдинда бир аёл икки қўлида турхалта кўтарганча (юк оғирроқ кўринади) ҳар 4-5 одамда бир тўхтаб, нафас ростлаётди. Аввал уч нафар, кейин тўрт нафар ёшлар аёлни «қувиб» ўтишди (асли «Серёжа, Тома» деб чаққақлашиб кетаётган бу олифталардан ранжимаса ҳам бўлади. Негаки, тарбияси шунақа). Мендан олдинроқда кетаётган икки ўзбек йигити ҳам «гапга алаҳсиб» аёлни «кўрмай» қолдилар чамаси. Мен аёлга етиб олганимда, у нафас ростлаш учун юкни ерга қўйиб турар эди. Саломлашгач:

— Мен ҳам шу томонга, келинг ёрдамлашай, — дедим. Аёл жуда толиққан бўлсада, (ёши 50-55 лар атрофида бўлса керак), хижолат аралаш уйига яқин қолганини, оворагарчиликнинг ҳожати йўқлигини айтиб, миннатдорчилик билдирди...

Хўш, нима учун мен бу воқеаларни эсладим? Ўзимни ё укамни кўнларга кўтариш учун эмас. Мен бу ҳар икки воқеада бир хил маънони кўрдим: ўша иссиқдан толи-

қиб қолган онахон ҳам, турхалталари оғир аёл ҳам дабдурустдан қилинган илтифотдан саросимага тушиб қолдилар. Ўзларини туш кўраётгандек ҳис қилган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Олти-етти яшарлигимда онам мени бозор-ўчарга ҳам бирга етаклаб кетардилар. Кўп марта кўрганман, бегона одамлар бизга ёрдамлашиб, юкимизни троллейбусгача элтиб беришган, троллейбусда ҳам дарҳол жой бўшатишган. Бундай одамийликка ёшлигимда деярли ҳар соатда дуч келганман: мактабга кетаётиб ҳам, келаётиб ҳам, кўча-кўйда юрганнимда ҳам. Ҳамма бир-бирига ёрдамлашар, кексаларга, аёлларга, ёш боласи борларга, оғир турхалта кўтарганларга кўмак беришга ошиқар эдилар. Йўл-йўлакай музқаймоқ еб кетаётган йигитларга, қизларга биров тикилиб турсак, тўхтаб ҳатто еб турган музқаймоқларини беришар эди. Булар юз йил аввалги эмас, 60-йилларга тегишли гаплар.

Ҳозир-чи? Меҳр-оқибат бутунлай йўқолиб кетгани йўғу лекин савобталаблар қамайдик, назаримда. Яқинда бир дўконга кириб қолдим. 60 ёшлар чамаси бир аёл олган нарсаларини (талонга) бирма-бир кўрсатаёпти, ёшгина кас-сир қиз ҳисоблаётди. Шу орада бир таниши «Гуличка» деб келиб қолди. Иккови ҳиринглашиб, «қаймоқ»лаша бошлади. Аёл қўлидаги пулни ғижимлаганча, анча турди. «Гуличка» тушмагури гапдан бўшай демайд...

Гоҳо ўйлаб қолам: юртимизга, элимизга ёт бўлган сурбетлик, худписандлик, бефаросатлик каби маънавий сўқирликлар қаёқдан келиб қолди? Кўча-кўй демай, жамоат жойи демай мушукка ўхшаб ялашиб тураверишади. Отаси тенги кишига жой бўшатиш ўрнига сонини кўрсатиб, без бўлиб ўтираверишади. Фарзани тенги қизларга ҳирс билан тикилади айримлар.

Тўғри, кейинги бир-икки йилда маънавий уйғониш, ўзликни англаш учун қатор қадамлар қўйилди. Чунончи, таълим-тарбия масканларидаги ишлар сифатига эътибор қаратилиб, «Одобнома» дарси жорий этилди. Уйлайманки, бу ҳаракатлар иссиқ кетмайди. Аммо бу — келажак меваси. Бундай дейишимга сабаб, мактаблар ишига алоҳида эътибор кўрсатилаётган ҳозирги даврда айрим таълим-тарбия масканларида дарс сифатларини яхшилашга шошилмаётганлар. Ўқитувчилар қобилиятини белгилашда таниш-билишчилик, нопокликларга йўл қўйилмоқда. Мактабларда болалар ҳақида хиёнат қилиш, таъмагирлик ҳамон кўз-

га ташланмоқда. Афсуски, мутасадди ташкилотлар ҳам назоратни сусайтириб юборганлар. Мактаблардаги синфларни таъмирлаш, жиҳозлаш ишларига маблағ ўқувчилардан ундирилганлиги, «Одобнома» дарси ҳам шу соҳанинг мутахассиси эмас, балки бундан ўн йил аввал «коммунистик ғоялар»ни байроқ қилиб дарс ўтган адабиёт, тарих ўқитувчилари зиммасига юкланмоқда. Дарс соатларини тақсимлашда ҳам талай ноҳилисликлар мавжуд. Булар исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлардир. Ана шунинг касрига дарсдан чиқиб келаётган бир тўп ўқувчилар писта чақиб (айримлари сигарета чекиб), ёнгиналарида оғир турхалтани кўтаришга қийналаётган аёлни, кўчадан ўтишда безовталанаётган кексани, ерда сочилиб ётган нон бўлакларини «кўрмай» қолмоқдалар.

Баъзан озиқ-овқат дўконларига ит етаклаб ёки мушук кўтариб кирган одамни учратиш мумкин. На сотувчилар, на бошқа харидорлар бунга муносабат билдиришмайди. Гўёки ҳеч нарсани кўрмаётгандек. Айниқса, ит етаклагани ёмон. Эгаси ҳисоб-китоб қилгунча; ит жонивор атрофдаги одамлар нарсаларини бир-бир ҳидлаб чиқади. Айниқса, шаҳар маркази ва унга ёндош ҳудудларда бундай кўринишларга тез-тез дуч келиш табиий ҳол бўлиб қолди. Гоҳо бозорларда ҳам кўзга ташланиб туради. Энди бунга ит эмас, унинг бефаросат эгаси айбдор. Йўқ, биров янглишди. Ўзимиз айбдор. Биз — лоқайдмиз. Шу боисдан ҳам ОНАМиз тенги аёл иссиқдан жонсарак, ОНАМиз тенги аёл зил-замбил юқдан қадди дол, ОНАМиз тенги аёл касса олдида бўйинини қисиб, мўлтирайди. Шу боисдан ҳам кўчаларимиз, бекату йўлларимиз бетартиб ва ифлос.

Авваллари бир болага етти қўшни, бутун бир маҳалла ҳам ота, ҳам онадек эди. Ҳозир ҳатто бу ҳикматнинг ўзи унутилаёзди. Негаки, кўпгина маҳаллалар бузилиб, турли томонларга, кўп қаватли каталак биноларга кўчирилди. Бинолар пештоқиға эса «Болалар — бизнинг келажакимиз» деган шиор илиб қўйилди. «Келажак»ларга эътибор кўрсатилиб, «Видеобар»лар, «Коктейл-хол»лар, «Танца майдон»лари ёмғирдан кейинги қўзиқориндек кўпайтириб юборилди. Афсуски, бу «қўзиқорин»лар фаолияти етарли назорат қилинмади ва ҳамон назорат бўш. Бу ҳам ЛОҚАЙДЛИКдан бошқа нарса эмас.

Ушбу мулоҳазалар юзасидан бошқалар нима дейишар экан?

Дилмурод САИДОВ.

ЧҲЛОҚЛАНИБ ҚОЧГАН КИМ?

Аввало «қаҳрамон»имиз билан таништириб қўйлик: Зокир Қодиров 1965 йилда туғилган, Қарши шаҳридаги Эркин кўчасида — 25-уйда истиқомат қилади. Муқаддам ўғирлиги учун икки марта судланган бу йигит ҳамон бекорчи, бирор фойдали меҳнат билан шуғулланишга бўйни ёр бермайди.

У шу йил 1 февраль кунини эрталаб соат 10 ларда шаҳарнинг Фирдавсий кўчасидаги 19-уйга келади. Ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, орқа девордан охиб, ҳовлига тушади. Уйнинг қулфини бузиб ичкарига киради ва 350 сўм пулни ўғирлаб, яна қочмоқчи бўлади. Аммо деворга чиқиб, ўзини кўча тарафга ташлаганида, бетон ариққа тушади. Оёғи лат ейди. Шундоқ бўлсада, чўлоқланиб воқеа жойидан қочиш улгуради.

Тўғриси айтганда, уни қидириб топиш унча қийин кечмади. Оператив ходимларимиз ўша кунгича уни уйдан олиб келишди.

Рад этиб бўлмас даражада пухта далиллар олдида у ил эшолмаслигини тушунаб етди ва айбини бўйнига олди.

Тергов жараёнида эса ўзининг қатор шерикларини ҳам айтиб берди.

Ана шундан кейин муқаддам у билан бирга 32 марта ўғирлик қилган шахслар — Шавкат Салоҳиддинов, Низомиддин Норқулов ва Турдимурод Ҳайдаровларни ҳам ИИБга келтирдик.

Шавкат Салоҳиддинов 1956 йилда туғилган, аввал наркотик моддани уйда сақлаганлиги ва истеъмол қилганлиги учун икки марта «ўтириб чиққан» шахс экан. Тинтув пайтида ёнидан, ҳатто уйдан яна шундай моддалар топиб олинди.

1966 йилда туғилган Низомиддин Норқулов ҳам би-

рор жойда ишламас экан. У ўзининг «Москвич-412» белгили Ж 17-87 КФ рақамли автомашинасида ҳамтовоқларини узоғини яқин қилиб келганлиги маълум бўлди.

Еши олтинидан ошган, соч-соқоли оқариб, юзига ажин тушган Турдимурод Ҳайдаров эса ўғли тенгги ёшларга насиҳат қилиб, уларни тўғри йўлга солиш ўрнига бутунлай аксинча иш тутиб келган. Улар ўғирлаб келган пул ва бошқа қимматбаҳо буюмлар ҳисобига наркотик моддалар билан таъминлаган.

Тинтув вақтида ҳам унинг уйдан ана шундай моддалар, махсус тош-тарозни топиб олинди ҳамда мусодара қилинди.

Бу гуруҳ шу пайтгача, юқорида айтилганидек, Қарши шаҳрида 32 марта бирорларнинг уйига тушиб, қинғирлик борасидаги иқтидорларини синаб кўрганлар. Масалан, Шухрат Нурановнинг 3 минг 500 сўм нақд пулини, Шавкат Яҳёевнинг 2 минг 616 сўмлик пул ва буюмларини, Анвар Ибодовнинг 2 минг сўм нақд пулини, 300 сўмлик дур тақинчоқларини, Муҳтарам Алиқуловнинг 924 сўмлик ашёларини ва яна бир қанча фуқароларнинг йиллаб пешона тери эвазига йиққан нарсаларини ўмарганлар. Аммо бирор марта ҳам қўлга тушмаганлар. Ана шу «муваффақият» уларни янги-янги «режа»лар сари илҳомлантирган бўлса ажаб эмас.

Аммо гуруҳ аъзолари «туяни ютсан, думини кўрсатмаймиз», — деб ўйлаб, қаттиқ адашдилар. 33 «операция» чоғида ҳаммаси бурунларидан булоқ бўлди.

Ж. БЕГМАТОВ,
Қарши шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция капитани.

«УМРИМ ЗИЙНАТИ»

«Ўзбекистон» нашриёти яқинда бир неча янги китобларни босмадан чиқарди. Шулардан бири иқтидорли шоира, Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофоти совриндори Умида Абдуазимованинг «Умрим зийнати» китобидир. Китобга кирган мақолалар ўзбек аёлларининг бугунги турмуш тарзига бағишланган. Шоира «Мен онамга ўхшайман», «Сизни бахтим дегандим», «Тўйга айтиб кетишди», «Ота — ҳаёт богбони» сингари мақолаларида аёлнинг жамиятимиздаги мавқеини ҳар жиҳатдан таҳлил этишга ҳаракат қилади. Унинг тўпламга кирган очерклари ва публицистик мақолаларида ватанпарварлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари ҳам кўндаланг қўйилган.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Андижон вилояти Марҳамат тумани ички ишлар бўлими томонидан қуйидаги бедарак йўқолган шахслар қидирилмоқда.

— Хасанбой Машраббоевич Аҳмадулов, 1974 йили туғилган, ўзбек, ақлан заиф, 2-гуруҳ ногирони.

Шу йил 16 июлда соат 15 ларда уйдан чиқиб кетиб, қайтмаган.

Устида зангори оқ йўли, енгил калта қўлак, қорашим, оқ туфлиси бўлган.



— Арофатхон Бойкелдиевна Пулатова, 1969 йилда туғилган. Шу йил 20 июлда эрталаб соат 6 ларда чиқиб кетганича қайтиб уйига келмаган.

Белгилари: бўйи 165 см., сочи қора, узун, кўзи, қоши қора.

Эгниси калта энгли, пушти рангли кўйлаги, оқ туфлиси, бош яланг бўлган.

Уларни кўрган, учратган, турар жойларини билганлардан яқин-атрофдаги милиция идорасига «02» рақами орқали хабар қилишларини сўраймиз.



Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан 26399 нусхада чоп этилди.